Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 172 (3370)
ЧОРШАНБА
27 ИЮЛЬ 1977 й.

Газета 1966 йил 1 июндан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ЗАФАРЛИ ОДИМИ

Ўзбекистон саноат корхоналарининг коллективлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, маҳсулотнинг асосий турларини ишлаб чиқариш ҳамда уни реализация қилиш юзасидан 1977 йил январь-июль ойлари планини 26 июль куни барвақт бажардилар.

Ой охирига қадар пландан ташқари неча ўнлаб пахта териш машинаси ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари тайёрланади, юзлаб тонна кўмир, нефть қазиб чиқарилади, кўп миқдорда пайпоқ, газлама, сариёғ ҳамда қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

26 июль куни Тошкент область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари халқ контроли органларига партия раҳбарлиги тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар.

Областда ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Пленум муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

(ЎзТАГ).

ВАҚТДАН ЎЗИБ

Бугун

шаҳримиздаги «Турист» комбинати тикувчиси Сафура Қорабоеванинг шахсий меҳнат календарида юбилей йилининг сентябрь ойи бошланди.

Илғор ишчи билан бир қаторда унинг ҳамкасблари Р. Камолова ва Л. Коробкиналар ҳам сентябрь ойи ҳисобига дастлабки маҳсулот бера бошлашди. Пешқадамлар ички резервлардан ва илғор иш усулларидан, вақтдан, хом ашё ва материаллардан оқилона фойдаланаётганликлари туфайли топшириқларни 20—30 процентга ошириб адо этишяпти.

Кундан кунга авж олаётган мусобақа шарофати ва корхона пешқадамларининг ғайратшижоати туфайли ярим йилликда республикамиз савдо тармоқларига пландан ташқари 110 минг сўмлик турист жиҳозлари, кийим-кечаклар ва совға буюмлари етказиб берилди.

Айни кунларда корхона коллективи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига бағишлаб юбилей совға буюмларини ишлаб чиқармоқда. Улар орасида сумка, альбом, нишонлар, декоратив панно ва бошқа ранг-баранг совға буюмлари бор.

Тажриба пилланашлик фабрикасида ўрта мактаб ва ҳунар техника билим юртларини тамомлаб келган кўпгина ёшлар меҳнат қилишади. Шулардан бири илғор смена ишчиси, лилла ўровчи Мастура Норматовадир. Ёш ишчи смена-ойлик топшириқларини ортиғи билан адо этиб сифатли маҳсулот тайёрламоқда.

Тошкент — мамлакатга

ПЕНЗАДА ЎЗБЕК НАҚҚОШЛИГИ

Ҳозирги пайтда Россия Федерациясидаги Пенза шаҳрида бунёд этилган замонавий савдо комплексини амалий санъат намуналари билан жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза мукофоти лауреати Маҳмуд Усмонов бошлиқ ганч ўймакорлари бригадаси у ерда қатор диққатга сазовор нафис ишларни бажармоқда.

Бугун

республика бадиий фондига қарашли Тошкентдаги керамика заводининг устаси Комил Каримов бошчилигидаги наққошлар бригадаси Пенза шаҳрига жўнаб кетди. Амалий санъат соҳиблари ганч ўймакорлиги асарлари ёнига наққошлик намуналарини туширадилар. Икки ой давом этадиган пардозлаш ишларида ўзбек усталаридан Н. Юнусов, С. Тешабоев, С. Шукуров ва бошқалар қатнашадилар. Улар савдо комплексининг деворларига ва бўғотига ишланадиган наққошлик эскизлари устида тинмай ижодий изландилар.

Ўзбек усталари кейинги вақтларда жаҳон сувларида сузиб юрган «Ўзбекистон» теплоходи, Сочидаги «Ўзбекистон» санаторийси, Москвадаги Халқ Хўжалиги Ютуқлари виставкасида ҳам ана шундай нафис наққошлик намуналарини моҳирлик билан чизишган.

• Беш йиллик вахтасида

ТЕЗ ВА СИФАТЛИ

«Узавторемонт» республика бирлашмасининг 1-автомобиль ремонти заводи коллективи ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида ана шу шиор остида меҳнат қилмоқда. Ремонтчилар ГАЗ—51, ЗИЛ—130, ГАЗ—53А юк машиналарининг двигателларини капитал ремонт қилишни пухта ўзлаштириб олдилар. Улар ҳар ойда икки мингдан ортиқ машиналар «юраги»га ҳаётга қайта йўлланма беришмоқда.

Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига социалистик мусобақани ҳар тарафлама кенг қулоч ёйдирган завод меҳнаткашлари олти ойлик топшириққа қўшимча 60 минг сўмлик маҳсулотни планга қўшимча реализация қилдилар. Юк машиналарининг двигателларини сифатли ремонт қилишда демонтаж цехининг слесари коммунист А. Пулаев, слесарлик цехининг йиғувчи-слесари С. Йўлдошев ва бошқалар пешқадамлик қилмоқдалар.

Бугун

ГАЗ—51, ЗИЛ—130, ГАЗ—53А юк машиналарининг капитал ремонтдан чиқарилган тўқсонта двигатели республикамизнинг Наманган, Андижон, Хоразм областларидаги автомобиль трестларига юборилди. Шу билан бирга илғор коллектив етти ойлик топшириқ муддатидан илгари бажарилганлиги тўғрисида «Узавторемонт» бирлашмасига ғалаба рапорти йўллади.

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ БИР КУНИ

ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИГА КЕНГ ЙЎЛ

Уч юздан ортиқ шаҳарга

Уч комфорали модернизациялаштирилган газ плиталари Тошкент газ аппарати заводи коллективининг ўнинчи беш йилликда ишлаб чиқаришни ўзлаштирган маҳсулоти. Бундай газ плиталари ҳозирда мамлакатимизнинг уч юздан ортиқ шаҳарларига юборилиб турилибди. Тошкент маркаси босилган плиталар Узоқ Шарқ, Украина, Молдавия, Озарбайжон ўлкаларидаги қардошларимиз кўчиб кираётган янги уйларнинг безаги бўлмоқда.

Бугун

уч комфорали янги типдаги газ плиталаридан 600 дан ортиғи Украина ССРнинг Ставрополь области улгуржи савдо базасига юборилди.

Корхонада ишлаб чиқариш самарадорлигини ва маҳсулот сифатини ошириш йўлида реконструкция ишлари олиб борилди, қўл меҳнати механизация зиммасига юклатилди. Бу лардан ташқари ишлаб чиқаришнинг барча резервлари юбилей йили топшириқлари ҳамда Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга сафарбар этилмоқда. Шу туфайли юбилей йилининг етти ойлик топшириғига қўшимча 350 дан ортиқ газ плитаси ишлаб чиқарилади ёки 60 минг сўмлиндан знёд ортиқча маҳсулот реализация қилинади.

• План—муддатидан илгари

РЕЗЕРВЛАР ҲИСОБИГА

Тошкент ёғ-мой комбинатининг коллективи Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига олган социалистик мажбуриятларини бажара бориб, 20 июльда товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича етти ойлик планни адо этди. Ой охиригача планга қўшимча 1 миллион 700 минг сўмлик маҳсулот реализация қилишга қарор қилинди.

Биринчи ярим йилликда комбинат маҳсулотининг икки тури — «Пробансаль»» ва «Баҳор» майонезларининг Давлат Сифат белгиси олишига эришди. «Прима» кулинария ёғини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, «Любительский» ва бошқа майонезларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда.

Ана шундай қувончли кўрсаткичларнинг қўлга киритилишида комбинатда кенг қулоч ёйган социалистик мусобақа муҳим роль ўйнади. Айниқса, ишлаб чиқариш илғорлари: ёғ-экстракция заводининг слесарлари И. Синдяшкин ва В. Александрович, маргарин цехининг оператори Е. Пўлатова, автоклав цехининг гидрогенизатори М. Усмонова, майонез цехининг қадоқловчиси, меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советининг депутати М. Рўзиева ва бошқалар юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Комбинат коллективи меҳнат самарадорлигини оширадиган, план ва мажбуриятларнинг муддатидан илгари бажарилишига ёрдам бериши мумкин бўлган ички резервлардан фойдаланишга катта эътибор берялти. Жумладан, комбинат мутахассислари монолит ҳолда маргарин ишлаб чиқариладиган қўшимча линияни монтаж қилдилар. Бу биринчи ярим йилликда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан майда қадоқланган маргарин маҳсулотларини уч, тўрт баравар кўпроқ ишлаб чиқариш имконини берди.

Ёғни дастлабки тозалаш учун мосламанинг фойдаланишга топширилиши унга хизмат кўрсатувчи кишиларнинг меҳнат шароитини, ёғнинг сифатини яхшилаш ва фильтр тўқима сарфини ўн бир процент камайтириш имконини берди.

Ёғ-экстракция заводини комплекс механизациялаш ва технологиясини такомиллаштириш бўйича тадбирларнинг бажарилиши яқин ўртада унинг лойиҳа қувватига эришиши учун имкон беради. Бу ишлаб чиқариш ҳажмини 2,6 миллион сўмга кўпайтиради.

Ҳозир автоклав-катализатор цехини узлуксиз гидрогенизация усулига ўтказиш амалга оширилмоқда. Бу озиқ-овқат саломасини 36 минг тоннагача етказиш имконини беради. Демак, ишлаб чиқариш ҳажми яна йилига 4,9 миллион сўмга кўпаяди.

А. ПЎЛАТОВ,
ёғ-мой комбинатининг директори.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

★ Ўртоқ Л. И. Брежнев Днепропетровск, Запорожье ва Крим областларининг колхозчиларини, совхозларининг ишчиларини, механизаторларини, хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларини, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов органларининг, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг ходимларини, барча меҳнаткашларни эришилган муваффақият — давлатга ғалла сотиш юзасидан юбилей йилига олинган социалистик мажбуриятларини бажарганликлари билан астойдил ва самимий табриклайди.

★ КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан дам олиш учун Совет Иттифоқига келган Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Я. Кадар билан 26 июль куни Қримда учрашди.

Л. И. Брежнев билан Я. Кадар ўртоқлар СССР ва Венгрияда коммунистик ва социалистик қурилишнинг актуал масалалари қандай ҳал этилаётганлиги ҳақида бир-бирларига ахборот бердилар.

Учрашув тўла якдиллик, сидқидиллик ва самимийлик вазиятида ўтди.

МУНОСИБ МУКОФОТ

Бугун

Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг ходимларидан бир группаси Фарғона ва Хоразм областларига жўнаб кетди. Улар корхоналар ва колхозларда бўлиб, илғорларга кўргазманинг мукофотларини топширадилар. Ўтган ҳафтада Сурхондарё, Андижон, Наманган, Самарқанд областларининг меҳнат илғорларига ҳам мукофотлар берилган эди.

1976 йилда халқ хўжалигини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, ишлаб чиқаришдаги новаторлиги, социалистик мусобақаларда ғолиб чиққанликлари учун жуда кўп ташкилотлар, корхоналар, хўжаликлар, ишчилар кўргазманинг мукофотлари билан тақдирландилар.

Республика кўргазмаси меҳнат илғорларига фахрий дипломлар, «Москвич» автомашинаси ва «Урал» маркали мотоцикллар топширди. Бундан ташқари 90 та саноат корхонасининг коллективлари фахрли дипломлар ва совғалар олишди. 530 меҳнат илғорига учинчи даражали дипломлар топширилди.

Тошкент тепловоз депосининг машинистлари халқ хўжалиги юклари ва пассажирлар ташиш топшириқларини муваффақият билан адо этиб, Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кун сайин авж олдирмоқдалар.

СУРАТДА: депонинг илғор тепловоз машинисти, коммунистик меҳнат зарбдори коммунист Раҳим Азизов. У 26 йилдан буён поездларни усталик билан бошқаради.

• Ўқув йили тараддуди

ИККИ ЯНГИ МАКТАБ

Бугун

Октябрь районидаги Бешқайрағоч массивининг Лочин кўчасида замонавий типдаги янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди. 159-қурилиш трестининг бунёдкорлари тайёрлаган икки қаватли тўрт блокдан иборат бу мактабда ўқувчиларнинг яйраб билим олиши учун кўпгина шароитлар яратиб берилган. Кенг ва ёруғ спорт зали, ошхона, табиат бурчаги, қатор фан кабинетлари ва синф хоналари болаларга қувонч бағишлайди. Мактаб 1176 ўринли. Шу кунларда унда парталарни ўрнатиш, ўқув жиҳозларини тайёрлаш ишлари олиб борилятпти.

Бундан таш қ а р и «Марказ-26» кварталида ҳам ана шундай типовой мактаб қурилишидаги ишлар деярли ниҳоясига етиб бермоқда. Трестнинг 9-бошқармаси ишчилари билим даргоҳи территориясида ободонлаштириш ишларини олиб бормоқдалар. Бу мактаб 1568 ўринлидир.

Шу кунларда райондаги мавжуд 43 та мактабнинг 37 тасида капитал ва жорий ремонт ишлари ҳам тугалланмоқда. Бу ишларни амалга оширишда йирик ташкилотлар ва корхоналарнинг коллективлари яқиндан мадад бериш мокда. «Узлавснаб», «Средазэнергоцветмет» бошқармалари, республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, Краснохомск экспедицияси маъмуриятлари капитал ремонтга катта ёрдам кўрсатди.

Бу йил район мактабларига 50 минга яқин ўқувчи таълим олгани боради. Бу рақам ўқувчиларнинг сони кўплиги жиҳатдан Октябрь райони шаҳарда биринчи ўринга чиққанлигини англатади.

Тошкент яқинидаги пахта тозалаш заводи областимиз пахтакорлари томонидан етиштирилаётган «оқолтин» ҳосилини қайта ишлаб бераётган йирик корхоналардан бири. Бу ерда барча ишлаб чиқариш жараёнлари механизациялашган.

СУРАТДА: заводнинг пахта тозалаш участкаларидан бирида.

М. Нуриддинов фотолари.

КИТОБЛАРНИНГ ИККИНЧИ ҲАЁТИ

Тошкентда букинистик китоблар ойлиги тугади. Китоб савдоси шаҳар бошқармасининг кибернетика институтида, шаҳардаги бошқа корхоналар ва муассасаларда эски китоблар билан савдо қилинди.

(ЎзТАГ).

✦ ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА

КИЧКИНТОЙЛАР ҚУВОНЧИ

Бугун

Бешқайрағоч массивида 280 кичкинтойга мўлжалланган болалар боғчаси фойдаланишга топширилди.

Бино қурилишида «Главташкентстрой»нинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли 159-қурилиш трести 22-қурилиш бошқармаси, Пардозлаш трестининг 11-қурилиш бошқармаси, «Ташсантехгазмонтаж» трестининг 2-монтаж бошқармаси биноқорлари унумли меҳнат қилишди.

Фақат аъло сифатли иш бажариш билан бирга кунлик вазифани муттасил 130 процентга етказиб бажаришган 22-қурилиш бошқармасининг Анатолий Янушевич бошлиқ бригадаси бунёдкорликда намуна кўрсатишди. Н. Злобин методи асосида меҳнат қилаётган бу бригаданинг В. Кокашинский, Т. Просвиркин, Т. Сурикова сингари биноқорлари бошқаларга ўрнак кўрсатиб ишлашди.

• Аҳолига қулайлик

Ваъдага вафо

Бугун

шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармасига қарашли йўл-қурилиш трестининг биринчи бошқармаси коллективи В. И. Ленин номли метро станциясида ўз зиммасига топширилган қурилиш ишларини ниҳоясига етказди. Бу ерда белгиланган муддатидан 20 кун олдин 360 метр узунликда панжарали тўсиқлар ўрнатиб бўлинди. Шундай қилиб қисқа муддат ичида 70 минг сўмликдан знёд иш бажарилди.

Йўлсоз қурувчилар Уйғур кўчасида ободонлаштириш ишларини олиб бордилар, Рисовой кўчасининг ёқаларига бордюр ўрнатдилар. «2-Шимолий-Шарқ» массивида истиқомат қилувчи сайловчиларнинг наказига биноан якка тартибдаги машиналар учун автомобиль турадиган жойларни фойдаланишга топширишди. Горький проспектида ҳам ана шундай ишлар бажарилди.

Трест бўйича Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган социалистик мусобақада В. Залевский, Ш. Баҳромов бошлиқ бригадаларнинг коллективлари ҳамда меҳнат ветерани З. Ҳафизов илғорлик қилиб, топшириқларни қисқа муддатларда адо этишяпти.

ТОҒ БАҒРИГА

Бугун

«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-тикув цехи ишчиларидан бир группаси Фрунзе ўйлаб сафарга чиқишди. Тикувчилар меҳнат отпускаларини Қирғизистоннинг Шимол-Шарқи бўйлаб сайр қилишдан бошлаб, тоғ бағридаги Иссиқкўлга боришди, Худди ана шу маршрут бўйлаб корхона Ўшдаги туризм советидан 40 та путёвка олди. Бу путёвкаларнинг ҳаммаси 30 процент имтиёз билан ишчиларга тарқатилди.

Бундан ташқари Иваново-Плес, Шимолий Кавказ оромгоҳларига ҳам путёвкалар ажратилди.

ЁЗГИ КИНОТЕАТР

Бугун

ЛЕНИН РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РЕМОНТ - ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ ҚУРИЛИҚ МАССИВИДА 400 ЎРИНЛИ ЯНГИ ЁЗЛИК КИНОТЕАТР ҚУРИЛИШИДАГИ ИШЛАРНИ ТУГАЛЛАДИ. «Узбеккинодеталь» заводининг мутахассислари бу ерда киноаппаратларини монтаж қилиш, уларни созлаш билан шуғулланишмоқда. Янги маданият ўчоғи биринчи августдан бошлаб хизмат кўрсата бошлайди.

Йил бошидан буён шаҳримизда иккита ана шундай ёзги кинотеатр қурилиб, ишга туширилди. Ҳозир пойтахтимизда ҳаммаси бўлиб 34 та ёзлик кинотеатр ишлаб турибди. Улар дам олиш кунлари 10 мингга яқин томошабинга фильмлар кўрсатмоқда.

Ҳамшаҳарларимиз юбилей йилида яна иккита совға олишади. Улар Юнусобод, Шимолий-Шарқ массивларида бунёд этилаётган икки залли 450 ўринли қишлик замонавий кинотеатрлардир.

Яқинда шаҳар кинолаштириш техникаси борасида ажойиб янгилик юз берди. «Дружба» кинотеатрида биринчи марта автоматик равишда ишлайдиган кинокўрсатиш аппаратлари ўрнатилди. Улар Ленинград ва Ростов корхоналаридан олинган нодир қурилмалар асосида монтаж қилинди. Киномеханик бу аппаратга фильмнинг барча ленталарини ўрнатиб бўлгач, уни ишга туширади. Аппарат 1,5 соат давомида бенуқсон ишлаб, фильмни экранга туширади. Бундай қулай ва такомиллашган аппаратларни «Қозоғистон», «Кўкча», «Тошсовет 50 йиллиги» кинотеатрларига ҳам ўрнатиш мўлжалланган.

Хамшаҳарлар, сизлар учун

телетайп лентасидан

★ ПРАГА. Урушдан кейинги йилларда чехословакиялик гидроиншоот қурувчилар республиканинг дарёларида 50 дан ортиқ катта-катта тўғонлар қурдилар. Шимолий Чехиянинг Огрже дарёсида қурилган Нехраница тўғони ЧССР ва бутун Марказий Европада энг катта тўғондир. У тоғларда қурилган ноёб инженерлик иншоотларидан ҳисобланади.

Ҳозир Дунайда катта тўғон қуришга тайёрлик авж олдириб юборилди. Уни Чехословакия ва Венгрия биргалашиб Братислава районида қуради.

★ АММОН. Миллий кадрлар тайёрлаш Иордания олдида турган жиддий проблемалардан биридир. 1976—1980 йилларга мўлжалланган иқтисодий тараққиёт беш йиллик плани хўжалигининг турли соҳалари учун 150 минг малакали мутахассис тайёрлаб чиқаришни кўзда тутади.

Совет Иттифоқи Иордания миллий кадрлари базасини кенгайтиришда ёрдам беради.

★ ТОКИО. Космик фазони тадқиқ этиш миллий бошқармасининг хабар беришича, Японияннинг биринчи метеорологик йўлдоши стационар орбитага муваффақиятли чиқарилган. Йўлдош уч ой мобайнида синаб кўрилгач, у Тинч океаннинг ғарбий қисми устидан булут ҳаракатларининг фотосуратларини ерга юбориб тура бошлайди, деди бошқарма мутахассислари.

★ ВАШИНГТОН. АҚШ конгрессининг сенати 1978 молия йилига ҳарбий ҳаражатларни 109,8 миллиард доллар миқдорида маъқуллади.

Ҳарбий ҳаражатлардан бешта «В-1» бомбардимончи самолётлар қуришга сарфланадиган ҳаражатлар чиқариб юборилди. Аммо сенат шу бомбардимончи самолёт билан боғлиқ тадқиқот ишларини давом эттиришга 442 миллион доллар ажратилажагини тасдиқлади.

★ ЛОНДОН. Пресс Ассошийэйшн агентлиги хабар беради: Англияда ишсизлик урушдан кейинги даврда ҳеч қачон ҳозиргидек авж олиб кетмаган эди. Ҳозир 1,5 миллиондан зиёд киши ишсиздир. Инглиз ёшлари ўртасида ишсизлик сони ғоят кўпайди. Бу йил ўрта мактабларни битириб чиққан 669 минг ёшларнинг учдан бир қисми аллақачон меҳнат биржаларида рўйхатга олинган.

★ РИМ. Италияда Италия Коммунистик партиясининг коммунистик матбуот фондига маблағ тўплаш кампанияси муваффақиятли давом этмоқда. «Унита» газетасида босилган маълумотларга қараганда, шу пайтгача 4 миллиард лирадан ортиқ маблағ тўпланган. Ломбардия ва Эмилия-Романья областларидаги коммунистлар бу кампанияда жуда актив қатнашмоқдалар.

★ ЛУАНДА. Савдо-сотиқ, йўл қурилиши ва темир йўл транспорти соҳаларидаги беш янги корхона Ангола давлати назоратига ўтди.

Национализация қилинган корхоналарни бошқариш учун комиссиялар тузилди. Меҳнаткашларнинг ва тегишли министрликлар ҳамда идораларнинг ваниллари бу комиссияларга киритилди.

(ТАСС).

ҲАЁТИМИЗНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ

СССР Конституциясининг лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида

БИЗ — СОВЕТ ХАЛҚИМИЗ

КУЧ-ҒАЙРАТИМИЗНИ БАҒИШЛАБ...

СССР Конституциясининг янги лойиҳасида битилган сатрларни синчиклаб ўқир эканмиз, ёш Советлар мамлакатининг оёққа турган, ўсган ва мустаҳкамланган даврларини бенихтиёр ҳаёлимизга келтирамиз. Миллионлаб кишиларнинг меҳнати, ташаббуси сингиб кетган совет тузумининг ажойиб практикаси ана ўша алангали йилларда бошланган эди.

Мамлакатимиз биографиясига оид ҳаммага маълум бўлган фактларни яна айтиб ўтирмайман, балки менинг ўзим гувоҳи ёки қатнашчиси бўлган воқеалар ҳақидагина гапириб ўтмоқчиман. Чунки ана шу катта биография ҳар бир кишининг тақдири билан чамбарчас уйғунлашиб кетган. Қурғоқчиликдан ва қолоқликдан гуллаб-яшнаган ва юксалиш даражасигача бўлган шонли йўли босиб ўтган она — Ватанимиз учун фахр-ланиш туйғуларини изҳор қилмасдан ўтолмайман.

Ўзим Донбассда туғилганман. 1918 йилда ўн икки ёшлик чоғимда биринчи марта забойга тушдим. Гражданлар урушида вайронага айланган ва сув босиб кетган шахталарни қайта тиклаш ва нондек арзанда ва зарур бўлган кўмирни қазиб чиқаришимиз керак эди. Биз ўшанда кўмирни қандай ускуналар билан қазиганмиз? Қазилган кўмирни от қўшилган вагонеткаларда ташиш, гоҳида эса ўзимиз аравачаларни зўр бериб судрашимизга тўғри келарди. Стахановчилик рекордларини ўрнатишда мадад бўлган дастлабки механизмлар кейинчалик пайдо бўлабошлади. Ўша кезларда шаҳарлар ва қишлоқлардан ёшлар меҳнатнинг оғир машаққатларидан чўчимай, ягона бир истак ва фикр — саноатга унинг «нони»ни тезроқ бериш иштиёқида шахталарга ишлагани келишарди. Ана ўша кезларда Ильич номли, «Марказий Ирмино» ва бошқа шахталарнинг довруғи бутун мамлакатга тарқалган эди.

Конституциянинг янги лойиҳасида битилган қўйидаги сатрлар ҳар бир кишини илҳомлантирмасдан қўймайди: «Давлат комплекс механизациялаш ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш асосида меҳнат шароитини яхшилаш тўғрисида, оғир қўл меҳнатини қисқартириш, уни бора-бора бутунлай тугатиш тўғрисида ҳам гамхўрлик қилади».

Ана шу қисқа ва лўнда сатрларда биз-нинг қандай яшаганлигимиз, индустриалштириш йўлида жонбозлик кўрсатганлигимиз ифодаланган.

Метин болғалардан трактор ва электростанцияларгача бўлган йўлларни босиб ўтдик. Харьков трактор заводини ишга туширишдаги бахтиёр дақиқалар бир умрга ёдимиздан кўтарилмайди. Бутун халқ беҳад қувонган. Украинанинг оқсоқоли Григорий Иванович Петровский завод цехларидан чиққан дастлабки машиналарнинг биринчиси штурвалини бошқармоқда...

30-йилларда комсомол сафларида ишлаганимда бундай тантаналарнинг кўпини гувоҳи бўлганман. Улар каттами-кичикми бўлмасин, умумхалқ шодиёнаси бир хил эди. Ҳамма жойда янгилик туғилиб ҳаётга кириб бораётган эди. ДнепроГЭС ва Бўзсув ГЭСларини бунёд этган қардош республикаларнинг барча халқлари ана шу қувончларимизни баҳам кўришган.

Кейинчалик менинг ҳаётим Ўзбекистон билан боғланиб қолди. Бу ерга партия Марказий Комитетининг йўлланмаси билан келган эдим. Партия, совет касаба союз ташкилотларининг топшириғи билан жуда кўп жойларга боришга тўғри келди. Мана, қувонарли яна бир воқеа: Катта Ўзбек трактини қурилиши, совет касаба союз ташкилотларининг топшириғи билан жуда кўп жойларга боришга тўғри келди. Мана, қувонарли яна бир воқеа: Катта Ўзбек трактини қурилиши ўтганмиз. Эндиликда бу ерда ривожланган саноат корхоналари, илмий станциялар, даласи яшнаган колхозлар жойлашган. Тошкент шаҳрининг ёнгинасида бир вақтлар ялангликдан иборат бўлган жойларда ТашГРЭС, тўқимачилик комбинати, «Таштекстильмаш» заводи, пойафзал фабрикалари қад кўтарди.

Тошкент шаҳри эндиликда қандай гуллаб-яшнаганлигини ҳикоя қилиб беришга зарурат бўлмаса керак, республика ҳаётининг барча соҳаларига оид статистика маълумотномаларида ёзилган тараққиёт рақамларини ҳам бирма-бир айтиб ўтирмайман. Конституциянинг янги лойиҳасида битилган ушбу сўзларни эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир: «Совет кишиларининг эркин меҳнати ижтимоий бойликни кўпайтириш, халқнинг ва ҳар бир совет кишисининг фаровонлигини ошириш манбаидир».

Ҳа, меҳнат — барча бойлигимизнинг манбаидир. Ана шу меҳнатда ҳар бир кишиўзининг қобилиятини кўрсатиб, мамлакатнинг чинакам хўжайини бўлиши мумкин. СССР Конституциясининг лойиҳасида белгилаб берилганидек жонажон Ватанимизни янада қудратли бўлиши учун барча куч-ғайратимизни сафарбар этишимиз, жамиятимизга катта фойда келтиришимиз лозим.

Н. ГАЛЬЧЕНКО,
1926 йилдан буён КПСС аъзоси, республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер.

Коммунистик меҳнат зарбдори 3-даражали Меҳнат Шуҳрати ордени-нинг кавалери Николай Сериков 17 йилдан буён Тошкентдаги «Средазэнергоцветмет» техника ишлаб чиқариш корхонаси изотоп приборлар тайёрлаш цехининг механика участкасида токарь бўлиб ишлайди. У ёшларнинг меҳрибон устози, ишлаб чиқариш новатори. Зарбдор ишчи смена-ойлик топшириқларини мунтазам 130—140 процент адо этади.

СУРАТДА: Н. Сериков.

▲ ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ШАЙМИСИЗ?

ҚИЗҒИН ҲОЗИРЛИК

Йиғилишда ота-оналар мактабни ремонт қилишда қўлларидан келган ёрдамини аямасликларини айтишди. Уларнинг ўғил-қизлари — мактаб ўқувчилари ҳам қурилишда кўмаклашувчи бригада тузишга қарор қилдилар. Бундай ҳамкорлик Собир Раҳимов райондаги 234-ва бошқа мактабларда анъанага айланган.

— Ота-оналарнинг яқиндан кўрсатган ҳамкорликлари ҳамда мактаб ўқувчиларидан ташкил топган бригадалар ғайрати туфайли, — дейди 234-мактаб директори А. Иноғомов, — мактабнинг ўттиз иккита синф хоналари сифатли ремонтдан чиқарилди. Ўқув хоналари кабинет системасига мослаштирилди. Мактабнинг 240 ўринли ошхонаси учун янги жиҳозлар, 40 та стол, 120 та стул, кўргазмали қуроллар харид қилинди.

— Райондаги бошқа мактабларда ҳам шундай бўлди. Бунинг натижасида райондаги 28 та мактабнинг кўпчилиги жорий ва капитал ремонтдан чиқарилди, — дейди Собир Раҳимов район халқ маорифи бўлими мудирининг ўринбосари Эркин Носиров.

Бу йил райондаги болалар боғчаларидаги ўринлар сони яна 560 тага кўпаяди. 2-Қорақамиш массивининг 3-микрорайони ҳамда «Профессорлар» массивида ҳар бири 280 ўринли 2 та болалар боғчаси қуриляпти. Бу билан райондаги кичкинтойлар маскани 54 тага етади. Уларда жами ўн бир мингга яқин фарзандларимиз тарбияланади.

РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙЛАБ

СИФАТ БЕЛГИСИ БИЛАН

Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси чиқараётган техникавий водородга Давлат Сифат белгиси берилди. Кимёгарлар енгил газдан минерал ўғит ишлаб чиқариш учун фойдаланадилар, шунингдек қўшнилари — Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатига етказиб берадилар. «Электрохимпром»нинг бошқа бир маҳсулот тури — техникавий муз ҳам фахрий эмблемага сазовор бўлди. Бу техникавий муз холодильникларга ва гўшт комбинатларига, тадқиқот лабораторияларига жўнатилмоқда. Чирчиқ кимёгарлари эндиликда ўз маҳсулотларининг олти турига Сифат белгиси қўйиб чиқармоқдалар.

БЕМИННАТ ХИЗМАТ

Бу ерда маҳаллий маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг янги очилган ёғочсозлик цехи Советобод аҳолисига эшикларни, ойна ғ омларини ва бошқа деталларни тайёрлаб беришда кўмаклашади. Йил охирига қадар прокат пунктини ҳам очиш, химиявий тозалаш пунктлари шохобчасини кенгайтириш кўзда тутилади.

ҚУРУВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Москвадаги олий ўқув юртларида таълим олаётган кубалик студентлар Андижон сув омбори қурилишига юборган агитбригада гидроиншоот қурувчилари ҳузурида концерт қўйиб берди. Андижондаги клублар ва корхоналарда, бир қанча пахтакор хўжаликларда ҳам қардош Куба кўшиқлари янгради.

ЯНГИ АВТОМОБИЛЬ ПАРКИ

Қаршида янги автомобиль парки ишга туширилди. Бу паркда 500 пассажир автобуси асралади, шунингдек енгил таксилар ҳам бўлади. Унинг ёнгинасида ихтисослаштирилган ремонт базаси барпо этилмоқдаки, бу база ҳам ушбу беш йилликда ишлай бошлайди.

«ЖИЛВОН»: ДАШТДАГИ БОҒ

Бухоро областининг даштларида яқинда барпо этилган қўриқ ердаги «Жилвон» совхози савдо шохобчаларига дастлабки бир неча тонна ҳусайни узумини жўнатди. Хўжалик коллективи бу йил 700 тонна— пландагидан 200 тонна кўп узум, кўпдан-кўп мева етиштиришни мўлжаллаб турибди.

(ЎзТАГ).

• *Ўзаро текшириш бригадалари фаолиятидан*

МЕҲНАТ БЕЛЛАШУВИ САМАРАСИ

МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

Икки турдош корхонанинг 1977 йил учун тузилган меҳнат беллашуви шартномаси кўрсатмасига мувофиқ агрегат заводининг ўзаро текшириш бригадаси «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб иккинчи квартал социалистик мажбуриятларининг бажарилиш якунини кўриб чиқди.

Бизнинг ҳамкасбларимиз мажбуриятда кўрсатилган бир қатор асосий шартларни муваффақиятли бажардилар. Жумладан, ўзбексельмашлар январь-апрель-июнь ойларида муқобил планга ўқшимча 182 минг сўмлик маҳсулот бердилар. Ишлаб чиқариш ҳажмининг суръати иккинчи кварталда (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан) 11,8 процентга ўсди. Пландан ташқари 10 та чанглагич-пуркагич, 21 та гербицидларни ташловчи агрегатлар ва 117 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилди. Кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш 34 процентга кўпайди. Шу жумладан, фахрли беш қиррали белги билан юбилей йилида тайёрланишга муяссар бўлган «Ором» чой-кофе сервизи кўплаб ишлаб чиқарилди.

Бошқа техника-иқтисодий кўрсаткичлар ҳам ёмон эмас. Пландан ташқари 40 минг сўмлик фойда олинди, 107 тонна металл-прокат, 266 минг киловатт-соат электр қуввати тежаб қолинди. Давлат Сифат белгиси билан тайёрланган маҳсулот умумий маҳсулот реализация қилиш ҳажмининг 24,1 процентини ташкил этди.

Ҳақиқатан, ўзбексельмашликлари бу муваффақиятлар билан табриклаш керак. Корхонада иш яхши кетяпти. Бунда асосан ўхшаш касбдаги ишчилар, бригадалар ва цехлараро йўлга қўйилган социалистик мусобақа қўл келмоқда.

Айниқса, бизга завод касаба союз комитети томонидан «Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» шиори остида уюштирилган меҳнат беллашуви жуда ҳам ёқиб тушди. Чунки ҳар душанбада касаба союз комитетининг ишлаб чиқариш комиссияси аъзолари цехлараро меҳнат беллашувига якун ясаб, мусобақа ғолибларини аниқлаб борадилар.

Мана, смена алмашиш пайтида завод майдончасига ишлаб чиқариш вакиллари тўпландилар. Улар меҳнат беллашуви ғолибларини шарафламоқдалар. Мусобақада биринчи ўринни эгаллаган қоллективларга кўчма Қизил байроқ ва пул мукофоти топширилади.

Шундан кейин, меҳнат илғори — ишлаб чиқариш ветерани ва ёш ишчига СССР Гимни садолари остида зарбдор ҳафта ғолиблари шарафига қизил рангдаги социалистик мусобақа байроғини кўтариш ҳуқуқи берилади.

Эртасига эса маҳсус стендда мусобақа ғолиблари ҳақида ҳикоя қилувчи «Шарафли ишлар солномаси» пайдо бўлади.

Яна шуни айтиш керакки, ўзбексельмашликларнинг амалий-ташкилий ишлардан ҳам самарали фойдаланаётганликлари диққатга сазовордир. Чунончи, бу ерда мунтазам равишда «Чақмоқ» чиқарилиб турилади. Октябрь олди мусобақасининг борыши ҳақида радио орқали эшиттиришлар олиб борилади. Бундан ташқари «Илғорлар хиёбонлари», «Улар Ватанни ҳимоя қилганлар» ва бошқа стендлар ҳам шулар жумласидандир. Бу ерда ўрнатилган ҳайкалга фронтда она-Ватанни ҳимоя қилган машинасозларнинг номлари зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Шунинг учун ҳам бу ерда ёш ишлаб чиқариш вакилларнинг слётини тез-тез ўтказиб туриш одат тусига айланиб қолган. Шунингдек, оталиқдаги 88 ва 105-мактабларнинг ўқувчилари ҳам бу ерда пионер сафига қабул қилинадилар.

Шуниси қувончлики, кейинги вақтда меҳнатни ташкил этиш даражаси ва ишлаб чиқариш маданияти кескин ўсди. Реконструкция қилиш туфайли завод территорияси янада кенгайди. Цехларда эса намунали тартиб жорий этилди.

Аммо биз ўрни келганда ўз ҳамкасбларимиз номига бир қатор танқидий фикрларни билдирмоқчимиз.

Бизга равшанки, ўзбексельмашликлар бизнинг омбор хўжаликларини ташкил этиш бўйича уларни механизациялаштириш борасидаги тажрибамизни ўзларида амалга оширишиб, цехлардаги деталь қисмларни транспорт воситасида ташишга муяссар бўлдилар. Аммо, бир қатор цехларда (бешинчи механика-йиғув цехида) тайёр деталлар металл пол устида уйилиб ётибди, ёнида эса аравача турибди). Иш жойларида, айниқса механика участкаларида қиринди-лар тоғ-тоғ бўлиб ётибди. Девор ва бошқа жиҳозлар анча ифлосланиб кетган.

Корхонада малакали ишлаб чиқариш вакиллари танқислиги сезилади. Иш кунига ҳам тўла риоя қилинмайди. Ҳали ҳам ишга кечикиб келувчилар, прогулчилар топилади. Маъмурият ишлаб чиқариш графигини аниқ кетиши учун қайтурмаётгандай туюлади. Масалан, ойнинг биринчи декадасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 23 проценти тайёрланяпти. Учинчи декадада эса 50 процентгача тайёрланяпти. Бундай оғир шароитларда юқори сифатли деталь, қисм, ҳамда буюмларни ишлаб чиқаришни таъминлаш қийин бўлади.

* * *

Агрегат заводининг ўзаро текшириш бригадаси:

Н. Пусько; агрегат заводи касаба союз комитетининг раиси; Г. Александрович, завод партия ташкилоти секретарининг ўринбосари; А. Филипенко, асбобсозлик цехи слесари; К. Несмянова, меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақи бўлими бошлиғи.

* * *

РЕДАКЦИЯДАН: шундай қилиб, «Узбексельмаш» ва агрегат заводи коллективлари ўртасидаги мусобақага якун ясалди. Демак, ким ғолиб чиқди? Ғолиб аниқланмади. Негаки, йиғилишда ўзаро текшириш бригадалари мусобақа якуни протоколига қўйидагиларни ёзиб қўйишди: ...ҳар икки корхонада ҳам кўрсаткичлар бир хил. Шаҳар партия комитети ва «Союзмашхлопководство» Бутуниттифоқ саноат бирлашмасининг судьялик қилишларини сўраймиз...

Очиғини айтиш керак: «Бир хил кўрсаткичлар» — бу тасодифий эмас. Бунинг натижаси шунга олиб келдики, корхоналарнинг 1977 йил учун тузилган мусобақа шартномаси, шунингдек социалистик мажбуриятлари бўйича ғолибни аниқлаш жуда қийин. Буни устига, ғолибни аниқловчи система ҳам аниқ кўрсатилмаган.

Бундай қийинчилик ўзаро текшириш бригадаларининг ишида, биринчи марта бўлаётгани йўқ. Бу ҳақда шу йилнинг, яъни 1977 йилнинг биринчи квартали мусобақасига якун ясалаётганида ҳам «Узбексельмаш» ва агрегат заводлари коллективлари социалистик мусобақасининг мақсус «шартларини ишлаб чиқишга қарор қилинганди. Шунга биноан, ҳар икки корхона бир хил мажбурият тузиши, бошқачароқ қилиб айтганимизда, мусобақа якунини бал системаси билан якунлаши керак эди. Аммо бу таклиф план бўлими ва меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақи бўлимлари ходимлари томонидан бажарилмай келинди. Касаба союз комитети (раиси И. Пусько ва Д. Муҳитдинов) бу ишни ўз ҳолига ташлаб қўйди.

Якун чоғида ортиқча тортишувлар, бўлиб, икки томон бир қарорга келолмади. Натижада ўзаро текшириш бригадалари йиғилишда мусобақа якуни протоколига юқоридагилар қайд этилди.

Меҳнаткашлар таклиф қилмоқдалар

Ўзбекистон меҳнаткашлари СССР янги Конституцияси лойиҳасини зўр қизиқиш билан муҳокама қилмоқдалар. Меҳнат коллективларида ўтказилаётган йиғилишларда партия ва совет органларига, газета, телевидение ва радио редакцияларига йўлланаётган хатларда ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг вакиллари ривожланган социалистик жамият Асосий Қонунининг лойиҳаси Октябрнинг буюк ғалабаларини, совет халқи коммунистик қурилишда эришган муваффақиятларни акс эттираётганлиги тўғрисида фахрланиб гапирмоқдалар. Конституция лойиҳасини ишлаб чиқишда Леонид Ильич Брежнев бевосита иштирок этди.

Шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнатчилари бу ғоят муҳим тарихий ҳужжатни тўла-тўкис маъқуллаб, унга айрим қўшимча ва ўзгартишлар киритишни таклиф этмоқдалар.

«Средазэлектроаппарат» бирлашмаси секторининг мудири А. Ф. Бичков 26-моддага тузатиш киритди. «Давлат жамиятнинг эҳтиёжларига мувофиқ фанни планли равишда ривожлантиришни ва илмий кадрларни тайёрлашни таъминлайди, илмий тадқиқотларнинг натижаларини халқ хўжалигига ва ҳаётнинг бошқа соҳаларига жорий этишни ташкил қилади», деган сўзлар ёнига: «Бу ишлар фан ва ишлаб чиқариш ходимларининг қалин ҳамкорлигига асосланиб амалга оширилади» деб қўшиб қўйишни таклиф этади.

СССР Конституцияси лойиҳасининг 59-моддасида бундай дейилган: «СССР граждани... социалистик турмуш қоидаларини ҳурматлаши... шарт». Намангандаги шойи газламалар комбинати фабрика комитетининг раиси М. Шарипова «ҳурматлаши» сўзидан кейин «ва риоя қилиши... шарт» деган сўзларни қўшиб қўйишни таклиф қилади.

«Строймеханизация» трестига қарашли 3-қурилиш бошқармаси автокранининг машинисти, Киров район Советининг депутати И. У. Муҳамедов қуйидагиларни хабар қилади: мен 105-моддани мамнуният билан ўқиб чиқдим. Бунда «депутат ўз иши ва Советнинг иши тўғрисида сайловчилар олдида ҳисоб бериб туриши шарт» дейилган. Мана шу сўзлар ёнига, деб таъкидлайди машинист, «**шунингдек унинг сайловчилар наказларини қандай бажарганлиги тўғрисида ҳисоб бериб турши шарт**» деган сўзларни қўшиб қўйиш керак.

(ЎзТАГ).

СССР янги Конституцияси лойиҳасини шаҳримиз меҳнаткашлари қатори 3-босмахона коллективи ҳам меҳнатда зўр кўтаринкилик билан кутиб олди. Улар бахтимиз қомусида қайд этилган ҳуқуқ ва эркларнинг барчасидан баҳраманд бўлмоқдалар. Партия ва ҳукуматнинг ана шу гамхўрлигига давлат план топшириқлари ва юбилей йили учун қабул қилган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари муваффақиятли бажариш билан жавоб бермоқдалар.

СУРАТДА: беш йиллик шахсий топшириқларини уч ярим йилда бажариш мажбуриятини олган матбаачилардан Фотима Назарова, Розия Сулаймонова ва Ойина Юсуповалар янги нашрни кўздан кечирмоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

Барча резервлар — ишлаб чиқаришга

ТАШАББУСГА ҚЎШИЛИБ

ЎЗБЕКИСТОН Компартияси Тошкент шаҳар комитети маъқуллаган «Узбектекстильмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, электрон-техника ва «Ташкенткабель» заводлари партия ташкилотларининг юбилей йили социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажаришга қаратилган қўшимча резервларни қидириб топиш ва улардан фойдаланиш бўйича тадбирлари тўғрисидаги ватанпарварлик ташаббуслари айни муддао бўлди, дейишмоқда канап фабрикасининг коммунистлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва барча меҳнаткашлари.

Фабрика коллективи юбилей йили олти ойлик топшириғини муддатидан илгари бажарди. Пландаги 12 миллион 300 минг сўмлик ўрнига 12 миллион 726 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Топшириққа қўшимча ўтиз тонна хўжалик арқонлари, 62 тонна кабель ўрамлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

— Пойтахтимиздаги уч корхона партия ташкилотининг белгилаган тадбирлари, — дейди фабрика партия ташкилотининг секретари Ф. А. Мангутова, — корхонамиздаги цехларнинг партия ташкилотларида ишлаб чиқилди ва тўла маъқулланди. Аввало шуни айтиш керакки, тўқиз-инчи беш йилликдагидек ўнинчи беш йилликда ҳам станоклар паркидан янада самарали фойдаланиш ва ускуналарнинг иш самарадорлигини ошириш белгиланган план топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажаришнинг муҳим омили бўлиб қолмоқда. Корхонада йил бошидан буён 40 та янги ускуна ўрнатилди. Уларнинг асосий кўпчилиги тўқув станокларидир. Йигирув цехида иккита тароқ машинаси, кабель арқонлари цехида б и т т а янги арқон тўқийдиган машина, тўқув ишлаб чиқариш корхонасининг тайёрлов цехида АТП — 290 маркали тўртта янги автомат ўрнатилди ва ҳоказо. Бу ишлар ҳозирда ҳам давом эттирилмоқда.

Корхона ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари СССР Конституциясини янги лойиҳасини қизғин маъқуллаб партия ва ҳукуматимизнинг отаоналарча гамхўрлигига жавобан ишлаб чиқариш самарадорлигини ва маҳсулот сифатини муттасил оширишга интилмоқдалар. Ишчиларнинг шу кунги ғайрат-шижоати уларнинг юбилей йили план топшириқларини ҳамда Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига қабул қилган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажаришларидан далолат бериб турибди.

А. ОБИДХЎЖАЕВ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 2 БЕТ.
27 ИЮЛЬ, 1977 й.

КЎЧМА МАГАЗИНЛАР

Республика кооператорлари йиғим-терим мавсумига 1400 та — ўтган йилдагидан 400 та кўп автомобиль дўконни тайёрладилар. Бу дўконлар теримчиларга керакли молларни бевосита далаларга етказиб беради. Сотиш учун саноат молларининг турлари тўпланган буюртмаларга асосан танлаб қўйилди. «Узбекбирлашув» йиғим-терим вақтида кечки ярмаркалар ўтказишни, дала шийпонларида сотувчисиз 4,5 минг дўкон очишни мўлжалламоқда.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА босилгандан кейин

«БЕШ ОЙДАН БЕРИ»

10 июнда юқоридаги сарлавҳа остида босилган материалда Шумилов шаҳарчасидаги Лобачев кўчасида сув таъминоти ёмонлиги танқид қилинган эди.

Водоканалдан хабар қилинишича, сув босимини ошириш чораси кўрилди, аҳолини сув билан таъминлаш нормал ҳолга келтирилди.

«БУ ҚАНАҚАСИ?»

Шу сарлавҳа остида газетанинг 3 июнь сонида босилган материалда 10-шифохона олдида пиво билан савдо қилинаётгани, маст-аласт одамлар беморларни безовта этишаётгани танқид қилинган эди.

«Ташлимводторг»дан олинган жавобда кўрсатилишича, газета материали муҳокама этилган. Шифохона олдида пиво ўрнига совуқ ичимликлар билан савдо қилиш йўлга қўйилди.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

А. АБДУЛЛА Е В: Қурувчилар корхона томонидан ишчиларни меҳнат жойига элтиб қўйиш ва у ердан уйига келтириб қўйиш учун ажратилган транспорт ҳайдовчисига кира ҳақи тўлаши керакми?

Жавоб: Йўқ. Айрим корхоналарда бу вазифа бевосита шу ташкилотнинг ўз транспорти ёрдамида бажарилади. Шоферойлик олиб ишлайди. Айрим ташкилот ва корхоналарда эса бу вазифани шартнома асосида автобаза ёки автопарк транспортлари бажаради. Транспортни ёллаган корхона автобаза ҳисобига пул ўтказади. Шунинг учун ҳам ишчилар ҳайдовчига кира ҳақи тўлашмайди.

* * *

Ҳ. БАҲРО М О В: Шаҳримизда «Москва» меҳмонхонаси қуриляпти деб эшитдим. У қаерда қурилаётгани ва қачон ишга тушиши ҳақида маълумот беришингизни истардим.

Жавоб: «Москва» меҳмонхонаси пойтахтимизнинг Йўлдош Охунбобоев майдонида бунёд этилади. Ҳозир унинг асосий пойдевори қўйилиб, мустаҳкамлигини оширувчи темир қозиқлар қоқилмоқда. У йигирма қаватли бўлади ва 1980 йилда фойдаланишга топширилади.

* * *

С. ЙИГИТАЛИЕВ: Ўн саккиз ёшга тўлмаган темир корхонада неча соат ишлаши керак? Бундай ёшларнинг ишдан ташқари пайтларда ва тунги сменаларда ишлаши мумкинми?

Жавоб: Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган йигит-қизлар ҳафтада ўттиз олти соат меҳнат қилишлари керак. Ўн беш ёшдан ўн олти ёшгача бўлган ўсмирлар эса ҳафтада йигирма тўрт соат ишлашлари мумкинлиги белгиланган.

Ўсмирларни тунги смена (кеч соат 22 дан эрталаб соат 6 га қадар), дам олиш кунлари ва ишдан ташқари пайтларда ишлашга мажбур қилиш қонун билан тақиқланган.

* * *

И. ҒАНИЕВ: Синов муддатини ўтаётган ишчи бетоб бўлиб қолганда давлат социал таъминот нафақасини олиш ҳуқуқига эгами ёки унга касаллик варақаси берилмайдими?

Жавоб: Синов муддатидан ўтаётган ишчи ва хизматчилар барча ишчи ва хизматчилар билан тенг ҳуқуққа эгадирлар. Синов вақти умумий узлуксиз меҳнат стажига қўшилади. Улар корхонада жорий қилинган икки тартиб қоидаларига тўла бўйсунадилар. Шунинг учун ҳам улар бетоб бўлиб қолишганда давлат социал таъминот нафақаларини олиш ҳуқуқига эгадилар.

Кўча ҳаракатларига тўла ГАИ ахбороти

Чап томонга бирлмоқчи бўлган транспорт воситасининг ҳайдовчиси ҳаракатга рухсат берувчи светофорнинг чироғи ёнгандан кейин ўтиб бораётган транспорт воситаларини ўтказиб юбориб, кейин бурилиши керак.

Бакир Ғаниев йўл ҳаракати қоидасининг ана шу талабини бажармади. У 88—13 ТНК «Москвич—408» автомобилини Муқимий ва Виборгская кўчалари кесишадиган чорраҳада чапга бураётган пайтда тўғрига ўтиб бораётган 74—81 ТНЗ «ГАЗ—24» автомобилини ўтказиб юбормади. Уни Юрий Фролов бошқариб бораётган эди. Натижада машиналар тўқнашиб кетди ва «Москвич» машинасининг пассажири жароҳатланди.

Бакир Ғаниев Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль инспекциясининг маъмурий комиссиясига жўнатилди.

САЛМОНЕЛЛА ҚАНДАЙ ХАСТАЛИК?

ҲАР БИР хасталикнинг ўз сабаби ва уларни келтириб чиқарувчилари бўлади. Салмонеллез ҳам юқумли хасталиклардан бири бўлиб, уни салмонелла деб номланган микроблар чақиради. Овқатдан заҳарланиш касалликларни ичида салмонелла асосий ўринни эгалламоқда. Бу касалликни ўз вақтида аниқлаш, даволаш ва профилактикасини ўтказиш керак.

Хасталикнинг асосий манбаи бемор кишилар, касал ҳайвонлар ва паррандалар ҳисобланади. Маълумки, одамлар кўпинча озиқ-овқат маҳсулотларидан заҳарланадилар. Чунки баъзи озиқ-овқат маҳсулотларида микроблар бўлади, улар узоқ сақланиб қолганда микроблар кўпаяди.

Касал ҳайвонларнинг гўштидан билмай фойдаланиш ёки гўшт маҳсулотларини санитария-гигиена қоидаларига амал қилмай сақлаш уларнинг бузилишга, салмонелла микроблари билан заҳарланишига олиб келади. Пиширилмасдан истеъмол қилинадиган овқат маҳсулотларидан (салат, винегрет, колбаса, пишлоқ, сут, балиқ маҳсулотлари, тухум, майонез кабилардан) ҳам эҳтиёт бўлиб фойдаланиш керак. Овқат маҳсулотларини қайта ишлайдиган рўзғор асбоблари, ошхона столи ва бошқалар тоза, озода бўлиши лозим.

Одам бузилган овқатни егандан кейин 2 соатдан бошлаб 24 соатгача, баъзан ундан кўпроқ вақт ичида касалланиши мумкин. Овқат билан истеъмол қилинган микроб ичакда кўпаяди ва организм интоксикациясига олиб келади. Шуни айтиш керакки, одам организмининг инфекция тушган вақтдаги ҳолати микробларнинг сони ва хусусиятига қараб енгил формадан тортиб, оғир формагача ўтиши мумкин.

Салмонелла хасталиги ўткир ҳолда бошланади. Кишининг бирданига эти увишиб, боши оғрийди, ҳолсизланади, оғиз қуриб, қорнда ғижимлаш билан оғриқ пайдо бўлади, кўнгил айнийди, қайт қилади, тана ҳарорати кўтарилиб, иштаҳа йўқолади.

Салмонелла хасталигининг белгилари бир тарзда кўринавермайди. У гоҳо ошқозон-ичак, тифсимон ва бошқа формаларда ҳам намоён бўлиши мумкин.

Бемор бўлган киши касалини вақтида даволатмаса атрофдагиларга юқтиради, шу билан бирга ўзида касаллик оғирлашади. Шунинг учун вақтни ўтказмай тезда врачга мурожаат этиш керак. Одатда салмонелла хасталигини уй шароитида даволаш мумкин эмас, бемор касалхонада ётиши, тўлиқ шифо олиши шарт.

Салмонелла хасталигининг олдини олиш учун, биринчи навбатда тозаликка, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш керак. Айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчилар, ошхона ходимлари ва бошқа шахслар бунга катта эътибор беришлари лозим. Гўшт, сут маҳсулотлари сақланадиган жойлар, омбор ва базалар тоза бўлиши жуда катта аҳамиятга эга. Бозорлар, ошхоналар, савдо тармоқлари, хонадонларда ошхоналар, маҳсулотлар сақланадиган жойлар, идиш-товоқлар қулай, тоза ва кўркам бўлиши керак.

Шуниси муҳимки, уй шароитида овқат тайёрланганда маҳсулотларни яхши пиширишкерак. Агар кундалик овқатдан ва бошқа озуқа маҳсулотларидан ортиб қолса, салқин жойларда сақлаш, эртаси куни ундан фойдаланганда эҳтиёт бўлишни, ивитиб ейишни унутманг.

Хулоса қилиб айтганда, салмонелла хасталигидан сақланишда асосан эскириб қолган озиқ-овқат маҳсулотларидан фойдаланмаслик, ҳайвонот ва парранда гўштларини яхши сақлаш, тозалик, озодаликка, санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш, хасталик рўй берганда вақтни ўтказмай шифокорга мурожаат қилиш керак.

Р. РАШИДОВА,
Ўзбекистон эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институтининг катта илмий ходими, медицина фанлари кандидати.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

ТИРНОҚ ҲАҚИДА НИМА БИЛАСИЗ?

Ҳамма ҳам ўз тирноқларининг бир неча кундузда қанча ўсишини билавермаса керак. Ўнг қўлимизнинг кўрсаткич бармоғидаги тирноқ бир кеча-кундузда 0,121 миллиметр ўсади. Чап қўлимизнинг кўрсаткич бармоғидаги тирноқ эса ўнг қўлникига нисбатан секин, яъни 0,116 миллиметр ўсади. Бунинг сабаби шуки, ўнг қўлимиз чап қўлга нисбатан кўп ҳаракат қилади ва натижада унга кўп «озиқ», яъни қон келади.

Одам кечаси ухлаётган пайтида тирноқлари кундузгига нисбатан тезроқ ўсади. Соч ҳам худди шундай хусусиятга эга.

Тирноқнинг ўсиш тезлиги кишининг ёшига қараб ҳар хил бўлади. Туғилгандан то уч ёшгача улар тезлик билан ўсади. Ўн ёшдан то йигирма уч ёшгача ўсиш бир маромда давом этади. Йигирма уч ёшда тирноқлар ҳақиқий қувватга эга бўлади. Ўттиз ёшдан то етмиш ёшгача тирноқлар секин ўсади.

Баданимиз аъзоларининг ранги ва кўринишидан шундай хусусиятга эгаки, врачлар уларга қараб туриб, кишининг мижозини ва руҳий ҳолатини билиб олишлари мумкин. Тирноқ ҳам шундай хислатга эга. Масалан, бирор кишининг тирноқларида оқ доғлар пайдо бўлганини кўрсангиз, билингки, у кишида «С» витамини кам экан. Ундай одамга сабзавот ва мева-чевалардан кўпроқ ейишни тавсия этиш мумкин.

Энди сиз ўз бармоқларингизга қаранг. Тирноқларингизнинг юқори қисмида гўштга ёпишган ерида оппоқ «ярим ой»лар борлигини кўрасиз. Улар бош бармоқда кўпроқ, жимжилоқда эса билинар-билинмас бўлади. Баъзи одамларда эса бутунлай бўлмайди. Ушбу «ярим ой»лар эркак ва хотиндаги таносил аъзоларининг кучли ва кучсизлигига далолат қилади.

Тирноқларимиз устида баъзан тўғри чизиқлар ҳосил бўлади. Улар баъзиларда кўп, баъзиларда озроқ бўлади. Текширишлар шуни кўрсатадики, тирноғи устида чизиқлари бўлган кишиларнинг кўпчилигида қон босими баланд бўлар экан. Агар кишида тирноқ устида чизиқлар пайдо бўлса, врачга бориб учрашиб кўрса ёмон бўлмайди.

Тирноқнинг ўсиши учун энг яхши озиқ горчица ҳисобланади. Бироқ ундан кўп ейиш тавсия этилмайди, Чунки у ўта аччиқ бўлгани учун асабга ва ошқозонга ёмон таъсир қилиши мумкин. Горчицада тирноқни ўстиришга сабаб бўладиган олтингугурт бўлсада, аммо унинг юқорида айтилган зарарли томонлари ҳам бор. Гўшт ҳам тирноқни ўстирадиган овқатлардан ҳисобланади.

Форсчадан
Маҳмуд ҲАСАНОВ
таржимаси.

ЭЛ ХИЗМАТИДА

2-Қорақамиш массиви 1-микрорайонига жойлашган 953-дорихона коллективининг хизматидан массив аҳолиси бениҳоя хурсанд. Чунки, улар кишиларимизнинг сиҳат-саломатлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.

— Бизда йигирма нафар медицина ходими ишлайди,— дейди дорихона мудири Эркин Алимов.—Улар барча куч-ғайратларини кишиларимизнинг саломатлигини сақлаш йўлида сарф этишяпти. Коллективимиз аъзолари ёлғиз беморлар ва Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг уйларига керакли дорилармонларни элтиб беришади.

Дорихонада справка бюросининг ишидан ҳам кўпчилик мамнун. Бу ерда Маҳфуза Тошмуҳамедова ишлайди. У чаққонлиги, хушмуомалалиги билан харидорларнинг ҳурматига сазовор бўляпти.

Коллектив юбилей йили планларини ҳам ошириб бажармоқда. Улар бу йил 102 минг сўмлик дорилармонлар сотиши керак. Ярим йиллик план 125 процент бажарилди. Бунда дорихонанинг Зайтуна Мусабоева, Маҳсума Шоаҳмедова, Гулсара Алимова каби ходимларининг хизмати катта бўлди.

СУРАТДА: коллективнинг ишчан ходимларидан (чапдан) контролер Садир Низомиддинов ва дорихона бошқарувчисининг ўринбосари Абдуғаффор Абдуваҳобов-лар бемор рецептини кўздан кечиришмоқда.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

ИШЧИЛАР СОҒЛИҒИНИ ЎЙЛАБ

Шаҳримиздаги Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг Қорасаройдаги филиали қошида бундан ўн беш йил илгари медицина санитария бўлими ташкил этилган эди. Ўша пайтда бу ерда тўрт врач, беш ҳамшира ишларди.

Ҳозир ана шу медицина санитария бўлими базасида шаҳримизнинг шимол зонасидаги барча заводфабрикаларда 22 та фельдшерлик пунктлари очилди. Ана шу ерлардаги завод ва фабрикаларнинг 25 мингдан зиёд ишчиларига намунали медицина хизмати кўрсатилмоқда. Медицина санитария бўлимида ҳозир қирқ врач, 60 дан ортиқ медицина ҳамширалари ишчилар саломатлигига посбонлик қилишмоқда.

Шуниси қувончлики, медицина санитария бўлимида беморларга намунали хизмат кўрсатадиган барча кабинетлар ва лабораториялар бор. Улар турли медицина жиҳозлари билан тўлиқ жиҳозланган.

Ишчилар ҳамма қулай шароит яратилгани, шифокорларнинг сидқидилдан қилаётган меҳнатларидан чексиз миннатдор бўлмоқдалар.

А. НАБИХЎЖАЕВ.

• Билиб қўйган яхши

ЖОНГА РОҲАТ БАҒИШЛАЙДИ

Бутун биз ҳурматли оқшомхонларга яна икки шифобахш сув — Нарзан ва Баталин сувлари ҳақида қисқача маълумот бермоқчимиз.

Нарзан — Кисловодск курортидаги энг кучли карбонатли минерал сув булоғидир. У химиявий таркиби жиҳатидан сульфат-гидрокарб о н а т ли — магний - кальцийли сув бўлиб, эркин карбонат кислотага жуда бой. Нарзан шу жойнинг ўзида ичилади, шишаларга қўйиб турли шаҳарларга юборилади. Беморлар Нарзан ваннасига ҳам тушириладилар. Кисловодскда асосий булоқдан ташқари минерал моддалари кўпроқ бўлган карбонат сувлар, Шарқий Саяндаги баъзи булоқлар суви Кавказ Нарзанига ўхшайди.

Баталин суви ҳам Марказий Кавказнинг карбонатли, асосан кальцийли совуқ минерал сувларини «Нарзан» деб аташ расм бўлган, бу сувлар ичилади ва даволаш мақсадида ишлатилади. Ю р а қ қон томирлари ва асаб системалари касалликларини даволашда Нарзан ваннаси буюрилади. Доломитли ва сульфатли Нарзан сувлари модда алмашинуви бузилган, ҳазм органларининг ва пешоб йўлларининг касалликларига йўлиққан беморларга ичирилади.

Забайкалье ва Узоқ Шарқдаги кўпгина булоқлардан чиқадиган карбонат сувлар, Шарқий Саяндаги баъзи булоқлар суви Кавказ Нарзанига ўхшайди.

Баталин суви ҳам фойдали хусусиятларга эга. Пятигорск яқинида Баталин суви номи билан юргизиладиган булоқлар бор. Бу сувнинг химиявий таркиби юксак даражада тўйинган натрий-магнийли сульфатли сувларникига ўхшайди. Натрий ва магний сульфатининг тўйинган эритмалари ични суради. Бундай эритмалар ичакдан секин сўрилиши ва ундаги суюқликни ушлаб қолишидан ташқари, суюқликнинг жадал ажралишига сабаб бўлади. Натижада ич равонлашади. Магний сульфатлари ва қисман натрий сульфатлари ўт чиқишини ҳам кучайтиради.

Баталин суви меъдадан шира чиқишини камайтиради, организмда оксидланиш процессларини кучайтиради, модда алмашинувини яхшилайди. Шунга кўра сурункали кабзиятда, ўт пуфаги, ўт йўллари ва қисман жигарнинг турли касалликларини даволашда Баталин сувидан муваффакият билан қўлланилади. Меъда шиллиқ пардаси яллиғланиб, кислотаси ошиб кетган беморларда ичакнинг ҳаракат функцияси бузилади, врач шундай беморларга Баталин суви ичишни тавсия этади.

Баталин суви сурги дори сифатида ҳам истеъмол қилинади. Бунинг учун уйқуга ётишдан олдин ёки саҳарга 1 — 1.5 стакан сув ичиш кифоя. Сурункали ич қотишида, ўт йўлларининг касалликларида Баталин суви 2—3 ҳафта мобайнида ҳар куни ичиб турилади. Сувни ҳар гал қанча ичиш кераклигини бемор организмининг аҳволига қараб врач белгилайди.

Сув ичиб даволаниш чорак — ярим стакандан бошланади, кейин зарур бўлишига қараб бу норма секин-аста оширилади. Қайси доза яхшироқ натижа берса, ичак фаолияти тўла тиклангунча 7 — 12 кун шу дозада сув ичиб турилади.

Ич қотганда врач беморнинг аҳволига қараб уй температурасидаги минерал сувни наҳорга, тез, яъни кўп-кўпдан қултумлаб ичишни тавсия этади.

Меъда яллиғланиб, кислотаси кўпайганда, ўт йўллари ва жигар касалликларида минерал сув 38 — 39 даражагача иситилиб, секин ичилади. Бир сўз билан айтганда, Нарзан ва Баталин сувларидан врач билан баслаҳат фойдаланганда, шубҳасиз у инсонга фойда беради, жонга роҳат бағишлайди.

МЕДИКЛАР САЙЁР МАКТАБИ

Андижон клиникаларининг 30 рентгенологи малака ошириш курсларида машғулотларга киришди. Уларга таклиф қилинган ўқиш циклининг вазифаси— билим ва малакани такомиллаштир и ш д а, рентгенологик тадқиқотларнинг энг янги ютуқлари ва илғор методларини ўрганишдан иборат. Бир ойга мўлжалланган программага мувофиқ лекциялар, семинарлар, амалий машғулотлар ўтказилади. Машғулотларни Тошкентдаги Врачлар малакасини ошириш институтининг етакчи мутахассислари олиб борадилар.

Ҳозирги замон рентгенологиясининг институт олимлари ишлаб чиққан асосий йўналишлари бўйича ихтисослашишга оид шундай сайёр цикллар ҳозирги вақтда республиканинг область ва районларида мунтазам суратда ўтказиб турилади. Бундай цикллар практик врачларга кундалик ишдан ажралмаган ҳолда ўзининг профессионал малакасини оширишга ёрдам беради.

(ЎзТАГ).

★ МАСЛАҲАТЛАРИМИЗ

ЧАНҚОҚНИ ҚОНДИРИШ ТАДБИРИ

Ҳомиладор аёлларда ташналик айниқса сератон кунлари кучли бўлади. Истеъмол қилинадиган сув миқдори қандай овқатларни ейиш ҳамда овқатланиш тартибига боғлиқ. Шуни билиш керакки, ёғлиқ овқатлар, қанд моддаси кўп бўлган озиқ-овқатлар, жумладан нон, хамир овқат ва ширинликлар ҳомиладор аёлни кўп чанқатади. Иссиқ кунларда аёллар бундай овқат маҳсулотларини кам истеъмол қилишлари керак.

Ҳомиладор аёлларнинг овқат рационида сут, гўшт, балиқ, ҳўл мева ва сабзавотлар бўлиши шарт. Айрим аёллар ҳомиладор бўлганларида овқатга бўлган иштаҳалари анча пасайиб кетади. Бундай аёллар иштаҳани яхшилашлари учун кўк пиёз, помидор, бодринг, болгар гаримдориси, кашнич, укроп, петрушка, райҳон каби сабзавот ва кўкатлардан кўпроқ истеъмол қилишлари керак.

Овқатдан кейин қониб чой ичиш лозим, чунки чой ошқозонда сувга нисбатан узоқ ушланади. Шунинг учун чой, айниқса кўк чойни чанқовни қондирадиган суюқлик сифатида тавсия этамиз. Ҳомиладор аёлларнинг бир кунда ичадиган суюқлиги миқдори 8—10 стакандан ошмаслиги керак.

Ичиладиган суюқликнинг асосий қисми эрталаб ҳамда пешин пайтларга тўғри келиши мақсадга мувофиқдир.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

БУТУН ЖАҲОН УЧУН ЖУДА МУҲИМ ВОҚЕА

ЛОНДОН. Жанубий Африка Коммунистик партиясининг раиси Юсуф Муҳаммад Дадунинг бу ерда эълон қилинган баёнотида бундай дейилади: КПСС Марказий Комитетининг май Пленумида маъқулланган ва умумхалқ муҳокамасига қўйилган СССР Конституцияси лойиҳаси Совет Иттифоқи халқлари учунгина эмас, бутун дунё халқлари учун ҳам жуда муҳим воқеадир. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги байрам қилинадиган йилда умумхалқ муҳокамасига қўйилган бу ҳужжат совет халқининг 1917 йилдан кейин Коммунистик партия раҳбарлигида ва марксизм-ленинизм принциплари асосида эришган буюк муваффақиятларини акс эттиради, деб уқтириб ўтилади баёнотда.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси совет халқигагина эмас, бутун инсониятга ҳам катта наф келтирди. Бу революция бир вақтлар бутун дунёни қамраб олган темир пардани парчалаб ташлади ва бошқа кўп мамлакатлар учун социализмга бориш йўлини, империализм мустамлакаларида асоратга солинган халқларнинг озод бўлиш йўлини очиб берди, дейилади сўнгра баёнотда. Совет Иттифоқининг тинчликсевар сиёсати комиссия лойиҳасида қайд қилиб ўтилди. Бу Конституцияга ташқи сиёсат тўғрисидаги махсус боб биринчи марта киритилди.

Совет ташқи сиёсати, деди Юсуф Муҳаммад Даду, совет халқи манфаатларини ҳимоя қилиш мақсади билангина чекланиб қолмайди. Комиссия лойиҳаси шу нарсани аниқ кўрсатиб турибдики, жаҳон коммунистик ҳаракатининг позицияларини мустаҳкамлаш, халқларнинг миллий озодлик йўлидаги курашини қўллаб-қувватлаш ҳам бу Конституциянинг мақсадидир. Пролетар интернационализми —Совет ташқи сиёсатининг асосий принципидир.

(ТАСС).

МИЛЛИЙ КАДРЛАР ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

ЖАЗОИР. Жазоирдаги олий ўқув юртларида ёш мутахассисларнинг навбатдаги битириб чиқиш маросими ўтказилди. Йигит ва қизларнинг янги отряди меҳнат фаолиятига йўлланма олди. Жазоир Халқ Демократик Республикасининг тез ривожланиб бораётган экономикаси малакали кадрларга, хусусан олий маълумотли мутахассисларга жуда муҳтождир. Шу сабабли Жазоир ҳукумати миллий кадрлар тайёрлашга катта эътибор бермоқда. 1976—77 ўқув йилидагина мамлакатдаги университетларни 6,685 киши битириб чиқди. Уларнинг баъзилари аспирантурада ўқишни давом эттирмоқдалар.

Олий ўқув юртларидаги студентлар сони йил сайин ортиб бораяпти. Масалан, ўтган йили Жазоир Халқ Демократик Республикаси университетларига 58 минг киши қабул қилинган бўлса, бу йил 65 минг киши қабул қилинади.

Олий ўқув юртлари шохобчалари ҳам доим кенгайиб бормоқда. Жазоир ҳукумати яқинда Батна, Тизи-Узу ва Блида вилоятларида уч университет очиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўтган йили ўтказилган референдумда Жазоир аҳолисининг кўпчилиги маъқуллаган миллий хартияга мувофиқ шу хилдаги университет марказлари ҳар бир вилоятда очилади.

Революциядан илгари бу мамлакатда атиги жазоирлик ўч инженер бор эди. Ҳозирги кунда мамлакатда тайёрланган неча ўн минглаб юқори малакали мутахассислар ишлаб турибди.

(ТАСС).

КОМЕНДАНТЛИК СОАТИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

КОЛОМБО. Шри Ланка Республикасининг янги ҳукумати олти округда, асосан мамлакат пойтахти Коломбога жуда яқин жойлардаги округларда комендантлик соати жорий этиш тўғрисида фармойиш берди. Полиция маъмурларининг ахборотида бундай дейилади: парламент сайлови натижалари эълон қилинганлан кейин турли сиёсий партиялар тарафдорлари ўртасида тўқнашувлар рўй берганлиги бундай чоранинг кўрилишига сабаб бўлди. Ана шу тўқнашувлар вақтида 20 га яқин киши ҳалок бўлди, кўп киши жароҳатланди. Комендантлик соати алоҳида фармойиш билан бекор қилинади. Маҳаллий матбуотнинг хабар беришича, ғалаёнлар бошланган районларда полиция ва армияннинг катта-катта отрядлари патруллик қилмоқда.

(ТАСС).

ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ. Мюнхендаги «Лазер—77» виставкасида ажойиб бир янгилик— лазерли телефон намойиш этилди. Аппаратнинг батареялари билан қўшиб ҳисоблаганда оғирлиги 4 килограммдан ошмайди. Бу телефон орқали 16 километрга яқин радиусда алоқа боғлаш мумкин.

СУРАТДА: янги лазерли телефон.

АП—ТАСС фотоси.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

БОННГ. Германия Компартияси правленисининг вакили Дюссельдорфда баёнот эълон қилди. Бу баёнотда ҒФР бундестаги ва бундесрати яқинда қабул қилган «Солиқ пакети»га қарши норозилик билдирилади. «Солиқ пакети» хусусан оммавий ишсизлик, нарх-наво доим ошиб, инфляция кучайиб бораётган бир шароитда Ғарбий Германия меҳнаткашларини янги машаққатларга дучор қилади.

* * *

БУЭНОС-АЙРЕС. Бу ерда Араб—Латин Америкаси банки (Арлабанк) тузилганлиги эълон қилинди. Бу банкни таъсис этиш тўғрисидаги битим, деб хабар берди Ривожланиш миллий банкининг директори Родольфо Ланус де ла Серна. Мадрида Кувайт, Ливия, Аргентина, Колумбия, Перу, Чили ва Бразилия вакиллари томонидан имзоланди. Арлабанкнинг капитали уставда 100 миллион доллар миқдорида белгиланган. Латин Америкаси мамлакатлари шу капиталнинг 60 процентини қўядилар.

* * *

ЛОНДОН. Буюк Британия атом энергияси бошқармаси маълум қилдики, кейинги олти йил ичида мамлакат атом электр станцияларидан юз килограммдан ошиқ плутоний «ғойиб бўлган». Бунча плутоний 15 та атом бомбаси ясашга етади. Атом электр станцияларида «инвентарлаш» ўтказишларда атом қуроли ясашга кетадиган хом ашё йўқолганлиги пайқаб қолинди. Атом энергияси бошқармасининг хабарига кўра 1971—1972 йилларнинг ўзидагина «Уиндскейл» станциясидан 56 килограмм плутоний йўқолган.

(ТАСС).

ЕР ОСТИ ҚЎЛИГА ТУШИШ ТАРАДДУДИ

Олимлар билан спортчилар экспедицияси Совет Иттифоқи территориясидаги энг чуқур Қилси ғорига туша бошладилар. Бу улкан табиий ғор Самарқанддан 50 километр жанубда жойлашган.

ЎзТАГ мухбири телефон орқали экспедиция штаби билан боғланди. Область туризм ва экскурсиялар кенгаши раисининг ўринбосари Владимир Кучерявих қуйидагиларни маълум қилди:

— Ер юзидан 1000 метр пастликка тушилди! Шу чуқурлиқда база лагери барпо этилади ва спелеологлар (ғоршунослар) асосий группаси шу жойдан яна пастлаб кетади.

Будтур Украина ва Узбекистон ғоршунослари тайёрлаган экспедиция 1082 метр чуқурликкача тушган ва шу жойдаги ер ости кўли уларнинг йўлини тўсган эди. Энди бўлса сув остига тушишга қарор қилинди.

Бу сафарги экспедиция рекорд чуқурликка етишидан ташқари ер ости сув ҳаракатини ҳам ўрганади. 80 га яқин кишидан иборат экспедиция составида географлар, геологлар, химиклар, физиклар, биологлар, гидрологлар бор. Улар орасида Москва, Ленинград, Киев, Свердловск, Красноярск, Томск, Сочидан келган ғоршуносларни ҳам кўрасиз.

Улкан ғор жарига тушишда самарқандлик тўрт киши— «Красный двигатель» заводи цехининг мастери Иван Интанкин билан «Кинап» заводидан 3 ишчи — Эркин Алиев, Сергей Гаврилов, Усеин Селимов ҳам қатнашмоқдалар. СССР спелеотуризм марказий секциясининг раиси, техника фанлари кандидати Владимир Илюхин экспедицияга бошчилик қилмоқда.

Қўлнинг чуқурлиги қанчага бораркин?

Олти нафар «ер ости ғоввослари» шу савол жавоб топадилар. Улар ичдан иситиладиган махсус гидрокостюм кийиб оладилар: ер ости кулидаги сувнинг ҳарорати плюс 2 даража келади. Шу билан бирга янги конструкциядаги гидроасбоб-ускуналар ҳам жиддий синовдан ўтади. Биринчи бор бу ерда ер ости гидрониверлир о в и а съемкалари ҳам ўтказилади.

... Ер юзидан ер ости лагерига тортилган телефон линияси орқали ғоршунослар:

— Қўлга тушишга ҳамма нарса тайёр!— дедилар.

(ЎзТАГ).

Вальтер СЕНАДХИРА

РАҚС ТУШАДИГАН ИЛОНЛАР ҚИШЛОҒИДА

Шри-Ланканинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган Ванни чакалан-зорларида қадимий қишлоқлар бор. Уларнинг аҳолиси ўзларининг эски урф-одатларига амал қилади. Кумбуквева деб номланган қишлоқда қолоқ лўли қабиласи яшайди. Бу қабилага етиб бориш учун аввал Анурадхапура— Галгамува йўлидан бориш, кейин, Тамбуттегама шаҳарчаси ёнидан чапга бурилиб кетиш керак. Бу йўлдан фақат қуруқ фасл-дагина джип машинаси ўта олади. Чакаланзорлар орасида антиқа қушларнинг товуши муттасил эшитилиб туради. Оқшом қўниши билан бу сўқмоқларда биронта одам ҳам юришга журъат этаолмайди. Негаки, қоронғи тушиши билан бу ерда филлар «ҳокимият»ни қўлга олишади.

Кумбуквева— «рақс тушадиган илонлар» қишлоғи. Бу ерда бор-йўғи 21 оила яшайди. Уларнинг ҳаммаси илон ўргатиш касби билан шуғулланади. Пастак кулбаларда яшайдиган бу одамлар илгарилари бор буд-шудини эшакларга ортиб, шаҳардан-шаҳарга нозиш билан овора бўларди. Эрнаклар ўргатилган илон ва маймунлар билан ҳунар кўрсатишар, хотинлар эса фолбинлик қилишарди.

Кунлардан бирида қабила аъзолари кичик бир кўл олдига келиб қолишди. Шу ерда тўхташга қарор қилишди. Ана шундай қилиб уларнинг ўз қишлоғи пайдо бўлди. Энди улар дарбадарлик қилмайдиган бўлишди. Лўлилар эрталаб турли томонга йўл олишади, лекин кечаси абатта ўз қишлоқларига қайтиб келадилар.

Ҳозир қишлоқнинг оқсоқоли Кораленинг айтгани айтган, дегани деган. Ҳамқишлоқлар жанжаллашиб қолишса, қишлоқ чеккасидаги каттакон дарахт остига ҳамма баравар йиғилади. Шу ерда баҳслашган ҳар иккала томоннинг шикоятини эшитадилар. Охири оқсоқол ҳукм чиқаради. Баъзан баҳслашган одамларга ўзига хос «жарима» юкланади. Оқсоқол бир идишдан озгина арақ ичади, қолганини эса жанжаллашиб қолган иккала лўли бўлашиб ичади. Кейин улар биргалашиб ашула айтадилар ва рақсга тушадилар. Шундай қилиб, гиналар унутилади, қишлоқда осойишталик ва дўстлик тикланади.

Корале кекса одам, унинг тўққиз боласи бор. Шунга қарамай бу қария ўрмон ичида йигитчалардек чаққонлик билан юради. Унинг ҳикол қилишича, баъзан мураккаб баҳсларни ҳал этиш учун судлар «коллегия»сини чақиришга тўғри келиб қолар экан. Бунақа пайтда қишлоқдаги нўпчилик кимнинг тарафини олса ўша ҳақ бўлиб чиқади.

Қишлоқ аҳли теленгу шевасида гаплашади. Лекин, қишлоқдагилар сингаль тилида ҳам бемалол гаплашаверадилар.

Қишлоқ яқинидан Кала-Оя дарёси оқиб ўтади. Агар қишлоққа меҳмон келиб қолса, уни албатта дарё суви билан меҳмон қиладилар. Кулбада турган сув билан меҳмонни сийлаш уят ҳисобланади.

Қишлоқ аҳли атрофдагилар билан қиз олиб, қиз беришмайди. Мабодо бирон йигит қўшни қишлоқдан уйланиб қолса, унга табу эълон қилишади. Қизларни, одатда, жуда эрта узатишади. Келиннинг ота-онаси унга ўргатилган кобра илони, сават ва қўлбола сурнай совға қилишади. Бу— қишлоқнинг анъанавий мероси ҳисобланади. Бундай қилишдан мақсад— куёв ўз авлодларининг ҳунарини давом эттириши шарт, демакдир.

Қишлоқ одамлари ўрмонда кобра ва мангуста тутишга устаси фаранг бўлиб кетишган. Илонни тутиб олишлари билан дарҳол заҳарли тишларини олиб ташлашади. Кейин эса уни саватга солиб, сурнай садолари остида, «рақс» тушишга ўргатишади. Сирасини айтганда бу одамлар илон заҳаридан кўп ҳам қўрқишмайди. Мободо бирон кишини заҳарли илон чақиб олса, бу ондаёқ маҳсус дорини суртиб, омон қолишади. Лекин дорини тайёрлаш сирини четдан келган биронта инсон билмайди.

Илон ўргатувчи ва фолбиннлар борган сайин қишлоқ хўжалиги билан нўпроқ шуғулланмоқдалар. Улар одатда ёмғир фаслида деҳқончилик қиладилар.

Ҳозир бу ерда кичик бир мактаб ҳам бор. Ёш болалар мактабга қатнаб, сингаль тили асосларини ўрганишяпти. Энди улар оталари илон ва маймун ўйнатаётганларида қишлоқма-қишлоқ эрғашиб юрмайдилар. Аввалига болалар қ и п л а н г о ч юришга ўрганишган бўлса, энди мактабга лунги тақиб боришни одат қилишяпти.

Коломбодан келган бир будда монахи бу қишлоқ ҳақида эшитиб қолади. Кейин шу ерга қатнай бошлайди. Шу тариқа қишлоқ аҳли будда динига сиғина бошлайди. Ҳозир қишлоқдаги муқаддас дарахт остида Будда худосининг кичик бир ҳайкали бор. Лўлилар бу ерга тўлин ой кечалари келиб, гуллар тақдим этишади.

Қишлоқдаги бир икки кулба мустаҳкам деворга эга бўлган деярли замонавий уйга айланиб қолди. Кумбуквева одамлари бус бутун қишлоқ хўжалик ишлари билан шуғулана бошлашига яқин қолди.

«Азия и Африка сегодня» журналидан.



Новгород ёш денгизчилар клуби нинг аъзолари ўзларининг «Пионер Леня Голиков» кемаларида Волхов, Ладога, Нева, Фин кўрфази бўйлаб кўп кунлик саёҳатга чиқдилар. Сафар вақтида ёш денгизчилар катталарнинг раҳбарлигида мотористлик, штурманлик ва бошқа вазифаларни бажаришади.

СУРАТДА: «Пионер Леня Голиков» кемасида.

ТАСС фотохроникаси.

ОРОЛ СИРЛАРИНИ ЎРГАНИШ УЧУН

Мўйнокдаги денгиз порти соҳилларидан бепоён Орол денгизига «Доғистон» теплоходи чиқди. Теплоходга Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Орол денгизи проблемаларини ўрганиш учун ташкил этилган экспедиция аъзолари— геологлар, биологлар ва гидротехниклар тушган. Экспедициянинг вазифаси, — денгиз тубида туз тўпланишини, Орол сатҳи пасайишининг денгиз гидрогология ресурсларига, балиқ хўжалиги озуқа базасига таъсирини тадқиқ этишдан иборат.

Денгиз экспедициясининг биринчи сафари ўн саккиз кун давом этади. Ана шу вақт ичида денгизнинг тубидан юзлаб текшириш намуналари ва турли чўқурликлардан сув олинади. Буларнинг анализи Орол денгизи ҳаётининг яна бир саҳифасини ўрганиш имконини беради.

Келгуси сафар августда бўлади. Комплекс программага биноан Орол проблемасини ўрганиш юзасидан денгиз илмий экспедицияси ҳар беш йил мобайнида мунтазам равишда ўтказиб турилади.

Л. Н. Толстойга бағишланади

Келгуси йил октябрь ойида улуғ рус ёзувчиси Л. Н. Толстой туғилган кунга 150 йил тўлади. СССР Министрлар Совети Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари комитети ана шу шонли санага бағишлаб китоблар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилди.

Бу йил ва 1978 йилда Л. Н. Толстой асарлари, ёзувчи тўғрисидаги китоблар, мемуарлар, мактублар, эсдаликлар, шунингдек альбомлар, графика асарлари босиб чиқарилади. Бу нашрлар рус тилида. СССР ва чет мамлакатларидаги бошқа халқларнинг тилларида жами 25 миллион нусхадан кўпроқ чоп этилади.

«Художествен н а я литература» нашриёти келгуси йили ёзувчининг 22 томли асарлар тўпламини чиқара бошлайди. «Уруш ва тинчлик», «Анна Каренина», «Тирилиш» романлари, шунингдек повесть ва ҳикоялар кўп нусхада нашр этилади. Л. Н. Толстойнинг асарлари «Классиклар . қутуб-хонаси»да босмадан чиқади. Едгорлик ва совға нашрларини ҳам тайёрлашга қарор қилинди. Л. Н. Толстой асарлари ва унинг ижодига бағишланган адабиёт кўпгина республика нашриётларида чоп этилади.

(ТАСС).

СПОРТ

САККИЗИНЧИ ЎРИНДА

Ёш спортчилар ўртасида шу йилнинг энг йирик мусобақаси— Бутуниттифоқ иккинчи ёшлар ўйинлари ниҳоясига етди. Бу ўйинларнинг аҳамияти жуда катта бўлди. Спортнинг 27 тури бўйича 14.000.000 йигит ва қиз фахрли ўринлар учун кураш олиб борди. 3.000.000 энёд ёш физкультурачилар оммавий спорт разрядлари нормативини бажардилар.

Команда ҳисобида 5006,99 очко тўплаган РСФСР терма командаси иккинчи ёшлар ўйинларининг чемпиони бўлди. Иккинчи ўринни Украина ва учинчи ўринни Москва коллективлари эгаллади.

Узоқ вақтгача фахрли олтинчи ўринга даъвогарлик қилиб келган Узбекистон ёшлари кеснин курашда Қозоғистон ва Грузия коллективларини олдинга ўтказиб юборib, саккизинчи ўрин билан кифояландилар. Шундай бўлса ҳам бу республикамиз вакиллари учун аввалги спорт ўйинларига нисбатан катта муаффақият ҳисобланади.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Марказий Армия спорт клуби футболчилари Чехословакиянинг Банска-Бистрица шаҳрида ўтаётган халқаро турнирнинг биринчи матчида Чехословакия ёшлар терма командасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Турнирда шунингдек «Дукла» (Банска-Бистрица), «Форвертс» (Одердаги Франкфурт) командалари ҳам иштирок этишмоқда. Шу командаларнинг ўзаро беллашувида майдон эгаларининг қўли баланд келди (3:1).

* * *

Футбол бўйича XXXX СССР чемпионати иккинчи даврасининг дастлабки учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Крылья Советов» — «Динамо» (Киев) — 0:1, «Динамо» (Тбилиси) — «Заря»— 0:0, «Динамо» (Москва) —«Торпедо»— 1:1, «Арарат» —«Шахтёр»— 1:1, «Карпати» —«Қайрат»— 0:0, «Зенит»— «Днепр»— 1:1, «Нефтчи» — «Черноморец»— 1:0.

Чемпионатда 15 учрашувдан сўнг 22 очко тўплаган Киев динамочилари пешқадамлик қилишмоқда.

Чайқовчиларга шафқат йўқ!

Сеп ҳам сотиладими?

Ипподром бозорида савдо айни қизиган пайт. Хилма-хил ноёб буюмларни сумкага яшириб қўйиб, ўзи харидорлар билан битишаётган Тожи Орипованинг олдига бир аёл келди, унинг қўлидаги кримпленни кўриб хурсанд бўлиб кетди.

— Қандай чиройли-а, бир кўйлаклиги қанча опа?

— Ўлманг, бу материалдан кўйлак қийсангиз малиналардек гўзал бўлиб кетасиз. Менда ҳам инсоф бор. 55 сўм берсангиз бўлади.

Т. Битўраева бироз тараддудланиб қолди. Нахотки бир кийим кримпелен шунча турса.

— 50 сўмга беринг опа, — деди у илтижо билан.

— Бўлганини айтдим, хоҳласангиз олинг, бўлмаса олманг. Молни, тушунадиганларга бундан ҳам қимматроққа сотаман.

Тожи Орипова шундай дедида нариги томонга кетди. Харидор унга эргашди. У пулни санаб бериб, оломон орасидан чиқаётганда икки кишига дуч келди. Улар ички ишлар бўлимининг ходимлари эди...

Чайқовчи Т. Орипованинг сумкаси тинтув қилинганда ундан беш метр «Лайло», ўн икки ярим метр кристаллон, тўрт ярим метр кос. мос материаллари чиқди.

Тергов вақтида ҳам, судда ҳам у ўзининг чайқовчилик фаолиятини яширишга ҳаракат қилди. У буюмларни ўғлимни ўйлантирмоқчи бўлиб йиққан эдим, эскириб қолганлиги учун сотдим, деб кўрсатма берди. Лекин гувоҳ — М. Қаришева, У. Қаландарова, Т. Битруевалар унинг олибсотарлик билан шуғулланганлигини фактлар билан исботлаб беришди. Чилонзор район халқ суди Т. Орипована бир ярим йил муддат билан озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Т. ЗОКИРОВ.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

* РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

КИНО

27 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — Она (кечқурун).

Қўзиқоринхўр— одам — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ВОСТОК», «ҚОЗОҒИСТОН», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Қўзғу— «КЎКЧА», «НУКУС» (кечқурун).

Интиқом куни — «ЎЗБЕКИСТОН» (кечқурун).

Атиги бир тун— ҲАМЗА номли (кечқурун).

Зангори осмон остида — «ДРУЖБА» (21.00), С. РАҲИМОВ номли (кечқурун).

28 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ— Она (кундуз ва кечқурун).

Қўзиқоринхўр одам— «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА», «ҚОЗОҒИСТОН», «ВОСТОК», (кундуз ва кечқурун).

Зангори осмон остида—«ДРУЖБА» (21.00).

Интиқом куни — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Қўзғу — «КЎКЧА», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Атиги бир тун— ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Солдат Иван Бровкин; Солдат Иван Бровкин қўрқида—С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

БИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲЛАРИМИЗ

Янги ёзиб олинган қўшиқларни тинглаш, эфир бўйлаб бутун оламни саёҳат қилиш, халқаро янгиликлар билан танишиш, маданий ҳаёт ва спорт билан ошно бўлиш, кинофильмлар ва концертларни кўриш— даврининг асосий хусусиятларидан биридир.

Телевизор, радиоприёмник, магнитафон, кинокамера, фотоаппарат биз учун биринчи зарурий буюмлар бўлиши билан бирга доимий ҳамроҳларимиздир.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

Барча маркадаги радиоприёмниклар ва радиолаларни; барча маркадаги транзисторли приёмникларни; рангли телевизорларни; фотоаппаратлар, фотообъективлар, киносуратга олиш камералари ва кинопроекторларнинг исталган маркалари ва хилларини; электропроигрователлар ва магнитафонларни; аккордеонлар, баянлар, пианинолар, гармоллар, контрабаслар, саксофонларни

СИЗ «ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ»НИНГ ҚУЙИДАГИ МАГАЗИНЛАРИДАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН:

3— Истиқбол кўчаси, 1-уй (Қўйлиқ массиви);
4— Фарҳод ярмаркаси;
8— Черданцев кўчаси, 22-уй;
9— Строительная кўчаси (1-уйсозлик комбинати);
10— Чилонзор массиви, 12-квартал, Фарҳод кўчаси, 1-уй;
11 — Сарикульская кўчаси, 1-уй;
17— Сергели массиви (бозор);
19 — Уста Ширин кўчаси, 124-уй;
24 — II—Шимолий-Шарқ уй жой массиви;
25 — Навоий кўчаси, 24-уй;
26— Куйбишев шоссеси (Қўйлиқ массиви);
30— Навоий кўчаси, Навоий ярмаркаси («Дўстлик» меҳмонхонаси қаршисида);
31— Измайлов кўчаси, 22-уй;
35— Октябрь бозори;
39— Олой бозори;
47 — Муқимий кўчаси, 1-уй;
49 — Морозов кўчаси, 25-уй;
50— Сельмаш кўчаси;
55— Киров кўчаси, 17-уй;
56— Бешёғоч бозори.

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ» МАГАЗИНЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ»
«УЗТОРГРЕКЛАМА»

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими давлат комитети

ТОШКЕНТ ШАҲАР 46-КЕЧКИ СМЕНАЛИ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1977-78 ЎҚУВ ИИЛИГА

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Радиотелемеханик (пуллик группа), **телеграфист, телефонист, шаҳар телефон тармоқларининг линия иншоотлари ва абонентли қурилмалари электромонтёри** (56 сўм стипендия берилади), **электр осма кўприк кранларининг машинистлари** (40 сўм стипендия берилади). Бундан ташқари ана шу группанинг ўқувчилари ўз маҳал бепул овқат, бошқа шаҳарлардан келганлар завод қошидаги ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртига 16 ва ундан катта ёшли, 8— 10 синф ҳажмида маълумотлилар, шаҳар телефон тармоқларининг линия иншоотлари ва абонент қурилмаларн электрмонтерлигига 17 ва ундан катта ёшли, 8—10 синф ҳажмида маълумотли, Тошкент шаҳрида пропискаси бўлган, электр осма кўприк кранларининг машинистлигига 17 ва ундан катта бўлган, 8— 10 синф ҳажмида маълумотли ёшлар қабул қилинади.

Ўқувчилар билим юртини тугатганларидан кейин база корхоналарига ишга: Тошкент марказий телеграфига телеграфистка, Тошкент шаҳарлараро телефон станциясига телефонистка, Тошкент шаҳридаги район телефон станциялари линия иншоотлари ва абонент қурилмаларига электрмонтерлари, Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонти заводи электр кўприк кранларининг машинистлари қилиб юбориладилар.

Машғулотлар 1 сентябрда соат 13.00 да, радиотелемеханиклар учун эса соат 18.00 да бошланади.

Бизнинг адресимиз: 700015, Тошкент шаҳри, Ленин районн, Кафанов кўчаси, 51-уй (Госпиталь бозори ёнгинасида, 9, 10, 8, 24-трамвайлар, 9-автобуснинг «Кафанов кўчаси», 2, 3, 80-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекатлари). Телефон: 33-75-04.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими давлат Комитетининг

«ЎЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ИХТИСОСЛАШГАН ТРЕСТИ БАЗАСИДАГИ

11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1977—1978 ЎҚУВ ИИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти радио аппаратлари ва асбобларининг монтажчилари, электр пайвандчилар, ёритиш, ёритгич ва кучланиш тармоқлари ҳамда электр асбоб-ускуналари бўйича электр монтажчилар, саноат асбоб-ускуналаридан фойдаланиш ва ремонти бўйича (программали станокларнинг электрон қисми) электромонтёрлар, контрол-ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича электрослесарлар, киномеханиклар, радио телемеханиклар сингари ихтисосликлар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаб чиқаради.

Билим юртида ўқиш муддати — 1—2 йил.

Ўқишга 8—10-синф маълумотидаги 14,5 ва ундан юқори ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади. Ўқиш муддати меҳнат стажига киради.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Билим юртига 8-синф маълумоти билан кирган ўқувчилар уч маҳал бепул овқат, кийим-бош, 10-синф маълумотидагилар эса ойига 30 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ўқувчилар иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Билим юртини битирган ёшлар техникум ва олий ўқув юртига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар. Ўқишни аъло баҳолар билан тугатган ёшлар эса, ўрта ва олий ўқув юртларида ўз билимини оширишга юборилади.лар.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: директор номига ариза, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома (асл нусхаси) ёки паспорт, автобиография маълумоти ҳақида ҳужжат, яшаш жойидан ва саломатлиги ҳақида справка, мактабдан характеристика, ҳарбий хизматга чақирилиш ҳақидаги гувоҳнома ёки ҳарбий билет, 6 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида).

АРИЗАЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳар, Фрунзе район, Физкультурная кўчаси, 8. (45, 33, 34, 54, 18, 3, 80, 2, 58-автобуслар, 14, 24, 9, 7, 11-трамвайлар ва 2, 6, 12, 15, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитети

40-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1977—78 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги касблар бўйича малакали ишчилар тайёрлайди: **қурилиш машиналарини ремонт қилувчи слесарлар, слесарь-сантехниклар, экскаватор машинистлари, станокда ишловчи мебелчилар, станокда ишловчи дурадгорлар ва дурадгорлар, бўёқчилар.**

Билим юртига 8-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган, 14,5 — 17,5 ёшдаги ўспиринлар қабул қилинади.

Ўқишга қабул қилинганлар бепул овқат, формали кийимлар ва махсус кийимлар билан таъминланадилар.

Билим юртида кечки-сменали мактаб ташкил қилинган.

Ўрта маълумотлиларга 30 сўм стипендия берилади.

Ўқиш — 1 сентябрдан бошланади.

ЎҚИШ МУДДАТИ— 1—2 ИИЛ.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирган ўқувчиларга техникум ҳамда олий ўқув юртларига кириш учун йўлланма берилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: билим юрти директорининг номига ариза, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги ҳужжат, маълумоти ҳақидаги шаҳодатноманинг асли, турар жойидан справка, соғлиғи ҳақида справка, 3х4 см. ҳажмли 6 дона фотосурат.

Аризалар ҳар куни (дам олиш кунидан) **ташқари соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.**

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳар, Луначарский шоссеси, 69-уй. Телефонлар: 66-09-96, 66-09-93 (13, 22-трамвайларнинг «Консерва заводи», 1, 4, 20, 41, 69, 71, 62-автобусларнинг «Партшкола» бекатлари).

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

27 ИЮЛЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.15 «Горнчилар, қаердасиз!». 19.00 Янгиликлар. 19.10 «Болаларга аталган шеърлар». 19.25 СССР халқ артисти Л. Коган ижро этади. 20.10 «Спортлото» тиражи. 20.20 СССР Конституцияси лойиҳаси ҳақида суҳбатлар». 1-кўрсатув. «Тўртинчи совет Конституцияси». Кўрсатувни снёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский олиб боради. Кўрсатувда юридик фанлари доктори, профессор М. А. Крутоголов иштирок этади. 20.50 «Қариб қулгили ходиса». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 «Қариб қулгили ходиса». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 23.45 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Г. Писаренко қуйлайди. 00.15 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

18.25 Кўрсатувлар программаси. 18.30 «Винни-Пух». Болалар учун мультфильм. 18.40 Мактаб ўқувчилари учун. «Тоғлар қучоғида». 19.10 «СССР Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси». 19.30 «Шуҳрат Нўлдошев чалади». Телевизион фильм-концерт. 19.45 «Ахборот» информацион программаси. 20.00 «Фарғона театри билан учрашув». М. Горький номли Фарғона область ўзбек музикали драма ва комедия театрининг Тошкентдаги гастроли муносабати билан. 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 «Фарғона театри билан учрашувнинг давоми. 22.00 Москва «Вақт»» информацион программаси. 22.30 «Ноз-неъмат бунёдкори». 22.45 «Ўғилбола гап». Бадиий фильм. 00.15 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

Тошкент кўрсатади

19.00 Кўрсатувлар программаси. 19.05 Болалар учун фильм. «Тилла бола». 19.25 «Самарадаги ташвишли тунлар». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.). 20.30 Тошкент янгиликлари. 20.50 «Премьерага йўл». Телевизион фильм-концерт. 21.20 «Завод». Ҳужжатли фильм.

28 ИЮЛЬ— ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.15 «Қувноқ стартлар». 19.00 Янгиликлар. 19.15 Мультфильмлар. 19.40 «Денгизчилар ҳақида қўшиқлар». «Совет қўшиқлари антологияси» туркумидан. 20.15 «Советлар ва ҳаёт». Эшитиришни юридик фанлари доктори В. И. Васильев олиб боради. 20.45 Марказий телевидение экранида биринчи марта . «Жала». Бадиий фильм. 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 «Ҳужжатли экран». Кўрсатувни шоир Р. Рождественский олиб боради. 23.55 «Георг Отс ва оперетта». Телевизион музикали фильм премьераси. 00.25 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Розихон Назирова». Телевизион ҳужжатли фильм. 11.40 «Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига. «Совет Озарбайжонининг тасвирий санъати ва графикаси» (рус.). 12.10 «Камолат сари». С. Айний номли Бухоро область музикали драма ва комедия театрининг солисти С. Каримов (такрорий кўрсатув). 13.10 «Ўғилбола гап». Бадиий фильм.

18.25 Кўрсатувлар программаси. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 19.00 «Бернора Қориева рақсга тушади». Телевизион фильм-концерт. 19.15 «Сиҳат-саломатлик» илмий-оммабоп программаси. 19.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 20.00 «Дўстлик экрани». Мусобақадош районларда. Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевиденияларининг биргаликдаги программаси. 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 «Т. Жалилов номли халқ чолғу асбоблари оркестри ижро этади». 22.00 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.30 «Узбекистон чорвадори». 22.50 «Қалб амри билан». Бадиий фильм. 00.25 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

Тошкент кўрсатади. 19.00 Кўрсатувлар программаси. 19.05 Болалар учун фильм. 19.15 «Самарадаги ташвишли тунлар». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.). 20.00 «Николай Огренич». Телевизион фильм-концерт. 20.30 Тошкент янгиликлари. 20.50 «Ишчи— фахрли ном». Телевизион очерк. (рус.). 21.05 Реклама ва эълонлар. 21.15 А. С. Пушкин. «Пиковая дама». Бадиий ўқиш.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: 700000; ГСП, ТОШКЕНТ, ЛЕНИН ПРОСПЕКТИ, 41-УЙ

Р—02478. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26.

ИНДЕКС 64579. Нашр — 3115

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор — 33-02-49 дан 33-02-58 гача. Эълонлар бўлими — 33-81-42.